Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
1 сон
6 -12 январ, 2005 йил

**«...Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, Ўзбекистон деб аталган, биз севиб—ардоқлайдиган, ҳаммамиз учун ягона бўлган умумий уйимизда тинчлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва фуқаролараро ҳамжиҳатликни сақлаш учун барчамизга боғлиқ вазифаларни бажаришда ўзимизни аямаслигимиз керак».**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ислом КАРИМОВ**нинг Янги йил табригидан*

# МАҲАЛЛАДА МАСЛАҲАТЧИ ИШ БОШЛАДИ

*(Унинг зиммасида қандай вазифалар бор?)*

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

***Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосдаги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан хотин-қизлар қўмиталари қизғин фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан жойларда диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тайинланди. Хўш улар ишни нимадан бошлашди? Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида ўтказилган давра суҳбатимиз шу масалага бағишланди.***

***Гулнора Бурҳонова—Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси:***

- Катта ҳаёт мактабини ўтаган, иймону эътиқод йўлига кирган кишигина юксак маънавият соҳибидир. Маслаҳатчиларни танлов асосида саралаётиб уларнинг шу жиҳатларига аҳамият бердик. Чунки биз фақат режага қараб тадбирлар ўтказадиган ва шу билан кифояланадиган кишини эмас, қиз-жувонларимизга жўяли маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсата оладиган аёлни кашф этишимиз зарур эди. Айни вақтда туманимиздаги 49 та маҳаллада худди шундай маслаҳатчилар фаолият кўрсатаяпти.

***Зебо Суюнова—туман ҳокими ўринбосарининг диний-маърифат, маънавий-аҳлоқий тарбия масалалари бўйича ёрдамчиси:***



- Маслаҳатчиларимиз турли касб эгалари, чинакам зиёли шахслардир. Улар бу улкан вазифани зиммаларига олаётиб обдон тайёргарлик кўришди, дин илмига, ахлоқий тарбияга оид қўлланма ва адабиётларни ўқиб-ўргандилар, шунга оид семинарларда иштирок этдилар. Маслаҳатчиларнинг иш жараёнларини кузатиб борамиз, ойда икки маротаба тўпланамиз, бажарилган вазифалар натижасини муҳокама қилиб, фикр алмашамиз. Ҳар биттасининг ишидан мамнунмиз...

*(Биз шундан сўнг маслаҳатчи аёлларни суҳбатга тортдик).*

***Шарифа Хўжаева—Шукур Бурҳонов номли маҳалла:***



- Диний ва дунёвий илмлардан бохабар аёл вақтини бехуда нарсаларга сарфламайди, ҳаётини мазмунли ўтказади. Тасаввур қилинг, икки-учта сура ва оятни чала-чулпа ёдлаган отинойи бир уй аёлни оғзига қаратиб ўтирса?! Бизга Қуръони Каримдаги сўзларнинг мазмун-моҳиятини чуқур талқин этиб бера оладиган отинойилар керак!

***Тиловат Соатова—Йўлдош Охунбобоев номли маҳалла:***



- Биз маслаҳатчилар ҳар бир хонадоннинг муҳитини, руҳий психологик ҳолатини ўрганайлик. Яқинда маҳалламизда ҳунук воқеа юз берди. Қурбонова кўчасидаги 82-уйда яширин фоҳишахона очилганини эшитиб қолдик. Уй эгаси турли вилоятлардан ишлаш учун келган айрим аёлларни ижарада сақлаб, жирканч фаолиятини бошлаган. Маҳалла фаоллари билан дарҳол чора-тадбир белгиладик. Қилмиши фош бўлганлар жазосиз қолишмади.

***Истарам Товашарова—Амир Темур номли маҳалла:***

- Тўғри айтдингиз. Нега энди бошига мушкул иш тушиб қолган аёл бироз сабрли ва қаноатли бўлиш ўрнига, бор пулини "бибисешанба"га сарфлаб, ҳалиги отинойининг ўтинчи чол ҳақидаги чала-чулпа ривоятини ихлос билан эшитиб ўтириши керак? "Бибисешанба", "Мушкулкушод" маросимларини қадимда аёллар ҳозиргидек мўл-кўл дастурхон атрофида эмас, балки уч-тўртта қўшниларини чақириб камтарона ўтказишган ва улар гувоҳлигида "мушкулимни осон қил", дея Аллоҳга ёлворган экан. Биз озод юртнинг чиннакам зиёли аёлларимиз. Шундай экан, урф-одат маросимларни ўтказишда маъносиз дабдабабозликларга берилмаслигимиз лозим.

***Фотима Амирова—"Мустақиллик" маҳалласи:***



- Кўз олдимизда ўсаётган ёшларнинг тарбиясида ҳушёр бўлиб, уларни фойдали меҳнатга тортайлик. Мен хонадонларга кирганимда бу нарсани кўп таъкидлайман. Ота-онаси бағрида тарбияланаётган ўғил ё қиз эрта бир куни жамият юкини елкаламоғи учун маълум бир шарт-шароитлар керак. Муҳими, оилада муҳит соғлом бўлсин! Ўсмир ёшларни ҳунарга ўргатувчи қисқа курслар очдик. Кам таъминланган хонадонларнинг фарзандлари учун ўқув бепул қилиб белгиланди.

***Музайям Одилова—Ойбек номли маҳалла:***

- Бир мактабнинг синф раҳбари бизга мурожаат қилди. Еттинчи синфда ўқиётган қиз дарсларга ўз вақтида қатнашмай, нуқул бозорда юрган эмиш! "Илгари яхши ўқирди, онаси бозорга жўнатавериб, ўқишлариям ёмонлашди, туппатузук қизнинг тарбияси издан чиқди, ёрдам беринглар", - деди. Она билан гаплашдик. "Қиз меники, хоҳласам мактабга, хоҳласам бозорга юбораман!" - деб қаттиқ-қуруқ гаплар айта бошлади. Огоҳлантиришларимиз ҳеч самара бермагач, бу масалани маҳалла муҳокамасига қўйдик. Кўпчиликдан кўп фикр-мулоҳазаларни эшитган она шаштидан тушди-қолди. Охир-оқибат маҳалла аҳлидан кечирим сўради. Қизнинг ҳам ўқишлари изга тушди. Ҳамкорликда гап кўп экан...

***Раъно Хўжаева—"Оққўрғон" маҳалласи:***



- Биз ёшлар ўқийдиган, ишлайдиган даргоҳларга тез-тез бориб, тушинтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Қиз бола—бўлажак оила бекаси, она... Ўқимишли, касб-ҳунарли инсон ҳаётда қоқилмайди. Қизларимизга ана шу борада маслаҳатлар, йўл-йўриқлар беришимиз лозим. Яна қизларимиз шу нарсани билиб қўйсинларки, одамнинг дили покланиши учун у ўраниб-чирманишдан ҳам кўра Қуръони Каримнинг оятлари, пайғамбаримизнинг ҳадисларини чуқурроқ ўрганиши керак.

***Доно Иброҳимова—"Турон" маҳалласи:***

- Тарбия қаттиққўлликни ҳам талаб этади, буни унутмаслигимиз керак. Оилада нормал психологик иқлим барқарор бўлса, бу нарса жамиятнинг маънавий, ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига таъсир этади. Оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги бош Қомусимизда ҳам айтиб ўтилган. Оиланинг шаънини юксалтириш, умрини узайтириш вояга етаётган фарзандлар тақдири билан жуда-жуда боғлиқ.

***Муфаррах Нажмиддинова—40-"Янги ҳаёт" маҳалласи:***

- Ҳа, Қуръони Карим инсонларни ҳалол меҳнат қилишга, илм-фанни ўрганишга, касб-корни эгаллашга, тежамли, меҳр-шафқатли бўлишга ундайди. Баъзан "мен намозхонман" деб ҳеч нарсага аралашмай, ўзини четга тортиб юрган аёлларни учратаман. Аллоҳ учун қилинган ҳар қандай эзгу амал ибодат саналади. Меҳнат ҳам, ҳунар ҳам, сабр-қаноат ҳам...

**Муфассал Валиева—Файзулла Хўжаев номли маҳалла:**



- Бугунги болаларимиз қизиқувчан, ота-оналарини саволу сўроқларга кўмиб ташлашади. Шундай пайтда ўз болаларимизнинг саволига жавоб тополмай қизариб ўтирсак... Бу уят, албатта. Бугунги аёл рўзғорни пишиқ-пухта юритиш учун сал-пал тадбиркор ҳам бўлсин. Китоб-газета ўқисин, ўз устида ишласин. Биз шу нарсани ҳисобга олиб, маҳаллада дам олиш, ўқиш хоналари очдик. Тикувчилик тўгараги ишлаяпти. Компьютер синфи фаолият бошлади. Маҳалла ёшларидан иборат футбол гуруҳимиз бор. Менимча, маслаҳатчи психолог ҳам бўлиши керак. Биз оилалар ҳаётини яхшироқ ўрганайлик, сўнг унда яшаётганлар билан алоҳида-алоҳида сўзлашиб, зарур ҳолларда маслаҳату кўмагимизни ўз вақтида кўрсатишга улгурайлик. Ана шундагина тинч ва аҳил оилалар кўпаяди, ажралишларнинг олди олинади, маҳалланинг обрўси ошади.

Суҳбатимиз узоқ давом этди.

**Демак, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия аслида жуда кенг қамровли экан. Мақсад - бор кучимизни сарфлаб, эзгу натижага эришиш. Зеро, саодатли кунларга етмоқликнинг осон йўли ҳам шу.**

**Давра суҳбатини Гулчеҳра ЖАМИЛОВА олиб борди.**
**Сувратчи: Одил НУРМАМАТОВ.**

# ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



**Қорақалпоғистон Республикасидан:**

***Г. Нуримбетова*** - 1 гуруҳ ногирони. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Г.Серекеева*** - Нукус Педагогика институти қошидаги Академик лицей талабаси. Санъат йўналиши бўйича.

***Ж.Машарипова*** - Нукус педагогика институти талабаси.Фан йўналиши бўйича.

***Г.Хабипназарова*** - Нукус шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиси.Таълим йўналиши бўйича.

***Г.Ахымбетова*** - Нукус Санъат коллежи талабаси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Андижон вилоятидан:**

***Р.Эгамбердиева*** - Андижон Давлат университети магистранти.Адабиёт йўналиши бўйича.

***Д.Матбобоева*** - Избоскан туманидаги Амалий санъат лицейи ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Н.Жўраева*** - Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***Ж.Алиева*** - Андижон Давлат университети магистранти. Таълим йўналиши бўйича.

***Т.Мамасидиқова*** - Олтинкўл Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи "Дил тароナси"рақс дастаси бадиий раҳбари. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Бухоро вилоятидан:**

***В.Шодиева*** - Ф.Хўжаев номидаги академик лицей талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***З.Кенжаева*** - Бухоро Давлат университети талабаси. Санъат йўналиши бўйича.

***Н.Ачилова*** - Бухоро Давлат университети магистранти. Фан йўналиши бўйича.

***И.Сайфиева*** - Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***Г.Чулиева*** - Жондор тумани Марказий кутубхона кутубхоначиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Жиззах вилоятидан :**

***Г.Эгамбердиева*** - Н.Баракаев номли 23-мактаб ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Т.Ахранова*** - Мирзачўл туманидаги "Иқболхон" хусусий тикув цехи раҳбари. Санъат йўналиши бўйича.

***Н.Пўлатова*** - Жиззах педагогика касб-ҳунар коллежи талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***С.Бахромова*** - А.Қодирий номидаги педагогика институти талабаси. Таълим йўналиши бўйича.

***И.Номозбоева*** - Дўстлик туманидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Навоий вилоятидан:**

***С.Орипова*** - Навоий шаҳридаги Академик лицей талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***А.Кушакбоева*** - Конимех туманидаги 5-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Ю.Жумаева*** - ЎзМУ талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***Д.Улжаева*** - Хатирчи туманидаги 4-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***Г.Назарова*** - Зарафшон шаҳридаги Академик лицей талабаси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Наманган вилоятидан:**

***Г.Қобулова*** - НамДУ қошидаги академик лицей ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***С.Шомансурова*** - Наманган шаҳри, Давлатобод туманидаги,49-ўрта мактаб етакчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***О.Бахриддинова*** - Чортоқ туманидаги 45-ўрта мактаб ўқувчиси. Фан йўналиши бўйича.

***Н.Пономаренко*** - Наманган Давлат институти магистранти. Таълим йўналиши бўйича.

***О.Долимова*** - НамДУ қошидаги Академик лицей ўқувчиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Самарқанд вилоятидан:**

***М.Холова*** - СамДУ талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***З.Рашидова*** - Самарқанд туманидаги 44-мактаб "Камолот" ЁИҲ етакчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Г.Бердимуродова*** - Самарқанд Давлат тиббиёт институти талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***Л.Султонова*** - Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***М.Давронова*** - Пахтачи туманидаги 21- мактаб ўқувчиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Сирдарё вилоятидан:**

***С.Саидбекова*** - Гулистон шаҳридаги 16 -ўрта мактаб ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Н.Сиддиқова*** - Гулистон шаҳридаги 16- мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Х.Султонова*** - Гулистон туманидаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси. Фан йўналиши бўйича.

***Д.Эргашева*** - Гулистон Давлат университети қошидаги Академик лицей талабаси. Таълим йўналиши бўйича.

***К.Миршоева*** - Янгиер шаҳридаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Сурхондарё вилоятидан:**

***Ш.Турсунова*** - Денов туманидаги 72-ўрта мактаб ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Д.Ядгарова*** - Ангор туманидаги 1-болалар кутубхона мудираси. Фан йўналиши бўйича.

***Л.Умарова*** - Сариосиё туманидаги 16 - мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Д.Бобоназарова*** - Олтинсой туманидаги 5- иктидорли болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***М.Мусулмонова*** - Сариосиё туманидаги "Зевари" фольклор-этнографик дастаси аъзоси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Тошкент вилоятидан:**

***Г.Ортиқхўжаева*** - "Чиноз ҳаёти" рўзномаси мухбири. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Х.Низомова*** - Янгийўл тиббиёт коллежи талабаси. Санъат йўналиши бўйича.

***Д.Атязова*** - 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ардинатори. Фан йўналиши бўйича.

***С.Бермаганбетова*** - Тошкент Давлат аграр университети қошидаги академик лицей талабаси. Таълим йўналиши бўйича.

***Ш.Усмонова*** - Тошкент хуқуқшунослик коллежи талабаси.

Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Тошкент шаҳридан:**

***М.Зокирова*** - М.С.Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежи талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Л.Байкенова*** - Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Н. Мейлиева***-Тошкент юридик институти магистранти. Фан йўналиши бўйича

***Л.Қодирхонова*** - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

***О.Саъдуллаева*** - ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси. Таълим йўналиши бўйича.

**Фарғона вилоятидан:**

***Н.Охунова*** - Фарғона Давлат университети талабаси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Ф.Ортиқова*** - Фарғона Давлат университети талабаси. Санъат йўналиши бўйича.

***С.Астанова*** - Фарғона Политехника институти талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***Н.Ахмаджонова*** - Олтиариқ туманидаги 7- мактаб ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***Г.Шаропова*** - Фарғона шаҳридаги "Гўзал" ва "Кичкинтой" ансамбллари бадиий раҳбари. Маданият ва спорт йўналишлари бўйича.

**Хоразм вилоятидан:**

***З.Нурмонова*** - Янгибозор туманидаги 10- лицей интернат ўқувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Г.Машарипова*** - Урганч Давлат университети қошидаги Академик лицей талабаси. Санъат йўналиши бўйича.

***Л.Машарипова*** - Урганч Давлат уинверситети талабаси. Фан йўналиши бўйича.

***Н.Аллақулиева*** - Хонқа туманидаги 7-лицей интернатнинг ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***Ф.Рахимова*** - Хива шаҳридаги аниқ ва гуманитар фанларга ихтисослашган 3-мактабнинг ўқувчиси. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.

**Қашқадарё вилоятидан:**

***Г.Авазова*** - Вилоят ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси. Адабиёт йўналиши бўйича.

***Х.Хурсанова*** - Чироқчи туманидаги 77-мактаб ўқувчиси. Санъат йўналиши бўйича.

***Н.Азимова*** - Қарши Давлат университети магистранти. Фан йўналиши бўйича.

***М.Хўжамова*** - Китоб туманидаги 8-иқтидорли ёшлар мактаб-интернатининг химия-биология ўқувчиси. Таълим йўналиши бўйича.

***З.Исломова*** - Китоб тумани халқ таълими бўлими қошидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида зардўзлик тўгараги раҳбари. Маданият ва спорт йўналиши бўйича.



***Бибиойша Айтбоева узоқ йиллардан буён Навоий вилоятининг Конимех туманида ФХДЁ бўлими мудири. Туман аҳлининг асосий қисми ўзбек, қозоқ ва қорақалпоқлар. Бибиойша уларнинг кўнглига йўл топишга, никоҳ, тўй маросимларини ўтказишда ҳар бир миллат урф-одатларини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади. Ўз тавсия ва таклифлари билан тез-тез матбуот орқали чиқишлар қилади.***

***Сурат муаллифи: САНОБАР.***



***- Янги йилда яхши ниятлар билан сафарга чиққан ҳар бир юртдошимизга оқ йўл тилаймиз, - дейди Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, майор Улуғбекжон Бекеев.***

***Сувратчи: ОДИЛ.***

# ФИЛЬМЛАРИМИЗ ПИШИҚ—ПУХТА ИШЛАНСА...

**ФИКР**

Янглишмасам сентябр ойининг ўрталарида Самарқанд шаҳридаги "Шарқ юлдузи" кинотеатри олдидан ўтиб кета туриб кинотеатр карнайидан деярли ҳар 2 дақиқада қайтарилаётган эълон эътиборимни тортди.

Унда бошланадиган кинофильм нақадар зўрлиги ҳақида тинмай ахборот бериларди. Қизиқишим ортиб, кино зал томон юрдим. Афсуски, сеанс бошланишига саноқли дақиқалар қолса-да, томоша залида бармоқ билан санарли томошабин ўтирарди. 80-90 йиллар ичида томошабин билан гавжум бўлган, чипта ололмай устама нарҳда сотиб олиш эвазига киришга мушарраф бўлган кинотеатрларимиз аҳволи нега бундай ҳолатга тушиб қолди? Ёки одамларимизнинг кино кўргиси йўқми?..

Ундай бўлса Ўзбекистон телевидениеси "Ёшлар" канали орқали йиллаб намойиш этилаётган Мексика, Бразилия, Корея телесериалларини қолдирмасдан кўришимизга сабаб нима? Оддийгина "Ўзбекфильм" студиясида 40-50 йил олдин суратга олинган "Ўтган кунлар", "Тоҳир ва Зухра", "Маҳаллада дув-дув гап", "Ёр-ёр", "Сен етим эмассан", яқин йиллардаги "Суюнчи", "Тўйлар муборак" каби фильмлар такроран неча бор намойиш этилса-да, севиб томоша қилинишига сабаб нима?

Менинг назаримда фонотекамиз олтин хазинасида сақланадиган бу фильмларнинг сценарийси 5-6 йиллаб ёзилган, мазмуни чуқур.

Ҳозирги ишланаётган ўзбек фильмларига эътибор қилинг. Бир ой олдин фалон кинорежиссёр бадиий фильм яратаётгани ҳақида телевидениеда реклама беришади-ю, орадан 2 ой ўтар-ўтмас ўша фильм тайёр бўлганлиги, бош ролни фалон ашулачи ижро этгани ҳақида ҳали томошабин ҳукмига ҳавола этилмасдан, ижодкорларнинг ўзлари мақтанишади. Фильмнинг рекламасини томоша қиларкансиз, маълум бўладики, сўзлашув Тошкент шевасида берилади. Республикамиз Конституциясида бирор вилоят шеваси она тилимиздан устун турмаслигини наҳотки кино режиссёрларимиз билишмаса?

"Афанди ва Азроил" фильми "Киночилар уйи"да бошланган ҳақидаги реклама 14 октябрдан ноябр ойининг 15 санасигача телевидениенинг деярли уччала каналида ҳар куни 5-6 маротаба такрорланиб ҳафсаламизни пир қилди.

Республикамиз мустақилликни ўз қўлига олган, ўз байроғи, герби ва гимнига эга бўлган бўлса-да, аждодларимиз Амир Темур бобомиз, Ҳадис илмининг султони Ал-Бухорий, Бобур каби алломаларимиз умр йўлини акс эттирувчи фильмларимиз йўқ. Ижодкорларимиз саёз фильмлар ишлаб, пул топиш мақсадини бир четга қўйиб, шу мавзуларни олдинга сурса нур устига аъло нур бўларди...

**Донобой АБДУЛАКИМОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Челак шаҳри.**

# ШУКРОНАЛИК

Ҳурматли "Оила ва жамият" газетаси ходимлари! Бобом ҳақидаги хотирамни газетада чиқарганлигингиз учун ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Қўшнилар: "Сиз бир оддий аёл бўлсангиз, чекка бир қишлоқда турсангиз - "Оила ва жамият" газетаси қаёқда-ю, сиз қаёқда", - дейишганди. Лекин бундай бўлмади. Шунга амин бўлдимки, газета ходимлари ҳеч бир хатни назардан қолдиришмас экан.

Энди ўзим ҳақимда гапирсам. Ёшим 40 да. Бозорда майдачуйда сотаман. Тирикчиликдан орттириб, газета сотиб оламан. Чунки оғир касал бўлиб ётганимда "Оила ва жамият" менга жуда кўп руҳан ёрдам берган. Уни ўқирканман, ўзимни куч-қувватли сезганман, касалликни енгганман. Чин дўстим, ҳаётдаги ҳамроҳим бўлган газетанинг ашаддий мухлислари кўп. Газетанинг бирортаям сони дўконларда қолиб кетмайди, доимо талаш. Тилагим - севимли газетам янги йилда ҳам эларо ардоқли, эъзозли бўлиб қолаверсин.

Одатда йил бошида кўнгилдан кўп гаплар ўтади, ўтганларни хотирлайсан, бугунги кунимиз ҳақида фикрлайсан. Мен Қамаши туман Ногаҳон қишлоғида туғилиб ўсганман. Бобом қишлоқда бригадирлик қилар, хонадони доим одамлар билан гавжум бўларди. Мен билан кўп суҳбатлашарди. Бир пайтлар гўшт солиғи деган қоида мавжуд бўлган экан. Қишлоққа милиция ва райком вакилларидан иборат комиссия оралаб, уйларга киришиб, молларини санаб, ортиғини тортиб олишаркан. Бир бева аёлнинг иккита моли бўлиб, биттасини сотиб ўғлини уйлантирмоқчи бўлиб юрган экан. Комиссия шу молларнинг биттасини тортиб олаётганда бобом ўртага тушган. Комиссия аъзолари билан тортишиб, бирини уриб юборган. Ўшанда бобом қамалиб кетишига сал қолган. Бир яхши одам бобомни қутқариб қолган экан. "Эҳ болаларим, СССР деганлари номига инсонпарвар. Аслида эса мансабдорлар юқоридан туриб буйруқ беришарди-да, халқ қонини сўришарди. Қийин, фақат халққа қийин эди", - дерди бобом. Мен ўшанда ёш бўлганим боис, бобомнинг армонларини унчалик тушунмасдим. Яқинда қўлимга Игорь Буничнинг "Партия олтинлари" деган китоби тушиб қолди. Ўқиб ёқамни ушлаб қолибман. Раҳматли бобомнинг гаплари нечоғлик ҳақлигига тан бердим. Тўқсон ёшли Маржон момом кўзларига ёш олиб, шундай дерди: "Не-не замонларни бошдан ўтказганмиз. Отам бечора оддий деҳқон эди. Ўз меҳнати билан 6 та қорамол, ўнта қўй қилганди. Сталиннинг одамлари келиб: "Сен бой бўлиб кетибсан", - деб қулоқ қилиб юборишган. Отам бечора қамоқдан келиб сал ўтмай вафот этганди". Момом умрининг охиригача ўша замонларни қарғаб ўтди. Дугонамнинг Иқбол момо деган бувиси бор эди. Оёғининг бармоқлари йўқ эди. Биз раҳматли Иқбол момодан сабабини сўраганимизда йиғлаб: "Эҳ, болаларим! Очарчилик йиллари уйда нон йўқ. Болаларим касал. Очликка чидаёлмай машоққа чиқдим. Машоқ териш ман этилганди. Далани айлана-айлана бир пиёла буғдой тердим. Шуни олиб келаётганимда ҳукумат одами кўриб қолди. Мени қамоққа ҳукм қилиб, Сибирга сургун қилишди. Эҳ, у ерлар шундай совуқ эдики, оёғимизга кийдиган ҳеч нарса йўқ, латта боғлаб қўямиз. Шундай қора совуқда дарахт кесардик. Кечқурунга бориб оёғимиз борлигини ҳам сезмай қолардик. Ана ўшанда бармоқларимни совуқ уриб кетган. Бундай азоб-уқубатга дош беролмай, не-не кишилар ўлиб кетишди. Уларни жанозасиз кўмиб ташлашарди..." Иқбол момо Сталин замонини қарғаб, бизларга насиҳат қиларди: "Нонни увол қилманглар. Ушоғини ҳам авайланглар"... Худога шукур, мана мустақиллигимизга ҳам етиб келдик. Бу эркин - озод кунларни момоларимиз кўрмаса ҳам бизлар кўрдик.



Мустақиллигимизни кўролмаган, ношукр айрим кишилар ҳали ҳам болаларни йўлдан урмоқчи бўлишди. Тўқсонинчи йиллар шундайлар бизнинг қишлоғимизга ҳам келишди. "Биз болаларга исломдан дарс берамиз. Келажакда улар катта одам бўлишади", - деб лоф уришди. Шундай одамларнинг бири келиб, Отам Бобоев Тошмуродга лоф гапларини гапирган ва: "Ўғилларингиздан бирини берсангиз катта одам қиламиз", - деган. Шунда отам ўша одамга Қуръон китобидан бир неча савол берган. У одам жавоб беролмаган. Отам: "Сизлар ўзи кимсизлар?! Сизларга ўз болаларини берадиган аҳмоқ одам борми? Тез қишлоқдан йўқолинглар. Сенлар ғирт саводсиз одамсизлар. Қўлларингдан ҳеч иш келмайди", - деганлар. Отам 50 йилга яқин қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилган. Ҳозиргача одамлар отамдан маслаҳат сўрайдилар. Отам оққўнгил, тўғрисўз инсон. Кўп нарсани тушунади, доимо тўғри насиҳат беради. Қишлоқда ҳурмати баланд. 10 фарзандини ҳалол луқма билан боққан. Ҳеч қачон бойлик ортидан қувмаган. Ҳамиша оддий яшаган.

Отажоним доимо биз фарзанд ва набираларига: "Ҳеч қачон ўз юртингизни сотманг!", -дея насиҳат қиладилар. Хурофот ботқоғига ботган кишиларни телевизорда кўриб, уларнинг орқасида қолган ота-оналари, бола-чақаларининг кўз ёшларини кўриб, отажонимнинг сўзлари нечоғлик тўғри эканлигини тан оламан. Ҳозир ишласа ҳеч ким оч қолаётгани йўқ. Худо ёмонларга жазо берсин. Қашқадарё вилоятига октябр ойида президентимиз Ислом Каримов келдилар. У кишининг ҳар бир гапини телевизор орқали жон қулоғимиз билан тингладик. Худога шукур, бугун Ўзбекистонимиз дунёга танилди. Ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам ҳам бўлмаймиз. Лекин юқоридаги каби ифлос ишларга аёллар ҳам қўшилиб қолаётганлигига ҳайрон қоласан киши. Ахир улар она-ку! Портловчи моддалар учун халтачалар тикаётганда кимнингдир умрига зомин бўлаётганлигини ўйламасмикин? Ахир улар ҳам кимнингдир нуридийдаси-ку! Қарғиш урмайдими?! Кейин суд залида бош эгиб туради-да, узр сўрайди, аёллигини рўкач қилади. Болаларини ўртага қўяди. Шунинг учун биз-оналар ҳамиша огоҳ бўлишимиз, тинчлигимизни сақлашимиз керак. Ҳар куни ўғлим Сардоржон: "Каримов бобом омон бўлсин, юртимиз тинч бўлсин", - деб дуо қилади. Мен жуда хурсанд бўламан. Ишқилиб, юртимизга кўз тегмасин, президентимизнинг умри узоқ бўлсин.

**Гулшода БОБОЕВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Қамаши тумани,**
**Қорасув маҳалласи,**
**Йўлдош Шербўтаев кўчаси.**

## КЎЗЛАРИМГА НУР АТО ЭТДИНГ!

Қадрдоним "Оила ва жамият" ана-мана дегунча ҳаётимнинг бир бўлагига айландинг, қолдинг. Ҳақиқатга йўғрилган самимий сатрларинг қалбимда меҳр оловини ёқди. Ҳаёт ишқида ёниб яшашни сендан ўргандим. Сирдошим бўлдинг, дарддошим бўлдинг. Ҳаётда ўз йўлимни топишим учун ёруғ-машъал бўлдинг. Юрагимда сўнмас ғайратни жо этиб, қайрилмас қанот бўлдинг. Кўзларимга нур, қалбимга сурур бахш этдинг. Дунёдаги энг яқин дўстларим қатори ҳасратимни тўкиб соламан, қувончимни баҳам кўраман.

Тилагим - газетанинг мавқеи янада ошсин, мухлислари кўпайсин.

**Моҳира БЎРИЕВА,**
**Термиз шаҳри**

## ДАРДКАШИМ ВА ДИЛКАШИМ

Мана қўлимда "Оила ва жамият"нинг 50-сони. Газетанинг ҳар бир сонини кун санаб пойлайдиган бўлиб қолдим. Гапнинг очиғи, аввалари бу газетага унча эътибор қилмагандим. Газетага яқинлашганим сари, фикрим ўзгариб борди. Ҳозир менинг энг яқин дардкаш ва дилкаш нашримга айланди. У ҳаётийлиги, одамларга яқинлиги, ҳаммага бирдек эътибори билан хонадонларга йўл топиб бормоқда. Гап шундаки, газета ижтимоий ҳаётимизда ўзининг салмоқли ва керакли ўрнига эга. Ҳаётимизнинг қайси бир соҳасини олманг, унинг саҳифаларида ўз аксини топиб, муносабат билдирилади. Ечимини кутаётган муаммолар, янгиликлар, масалаларга чиқишлари орқали ҳисса қўшиб тўғри йўл кўрсатилади. Газета ёрдами билан ўнлаб, юзлаб дарз кетган, синган оилаларнинг ярашиб, ҳаётини тиклаб олганлари унинг муваффақиятларидан, деб ҳисоблайман. Ҳеч қайси гўдак етим бўлмасин, тирик бўлатуриб отадан ёки онадан йироқда, меҳрга ташна, кўнгли ўксик ҳолда яшамасин—газета йўналишидаги асосий ғояларидан бири шу. Мен газета бош муҳаррири ва ижодий ходимларига янги йилда ҳам ижодий омадлар тилаган ҳолда халқчилликни, кенг қамровликни қўлдан бой берманглар, деб истак билдираман.

**М. ТУРОБОВА,**
**Тошкент шаҳри.**

## ҚАДРДОНЛАРИМИЗ

*Газетхон газета ва ҳаёт ҳақида*



Сафар ака Муҳаммадиев Тошкент техника университетида 40 йилдан зиёд меҳнат қилди, техника фанлари номзоди. У 30 йил давомида одамлардаги касалликларни табиий ўтлар билан даволаш сирларини ўрганди. Сафар ака Зомину Чотқол тоғларидан ўзи териб келган шифобахш гиёҳларини жажжигина халтачаларга солиб, азбарои савоб учун ҳаммага тарқатиб юради. 50 йилдан буён газета ва журналларда ўзининг табобатга оид мақолалари билан қатнашиб туради.

Янги йил байрами арафасида у одатдагидек таҳририятимизга келиб қолди.

- "Сиҳат-саломатлик йили" да мухлисларингиз сони янада ортсин. Ҳамиша саломат бўлинглар, - дея тилак билдирди Сафар ака.

* * *



Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани Мусоқоқ қишлоғилик Ҳошим Орзиқулов хат-хабарлари билан газетамизда анча йиллардан буён қатнашиб келади. Ҳар йили биттадан қўйини сотиб газетамизга бир йилга обуна бўладиган ҳам худди шу Ҳошимжон. Тез-тез таҳририятимизга келиб туришга ҳам вақт топади.

Янги йил байрами арафасида ҳам бизни байрам билан табриклаш учун атайин Тошкентга келибди. Биз дўстимизнинг ташрифидан жуда қувондик, ҳаёти ва ижодида муваффақиятлар тиладик.

**БАСИРА**

# МЕЪЁРИДА БЎЛСА...

Мен асли Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳриданман. Ҳозирда Тошкентда яшаймиз. "Оила ва жамият"нинг доимий мухлисиман. Газетанинг ҳар бир сонини сотиб олиб ўқишга ҳаракат қиламан. Ундаги ҳар бир мақолани оиламизда болаларим билан муҳокама қиламиз. Мени ўйлантирган бир масала ҳақида ёзмоқдаман. Президентимиз ва ҳукуматимизнинг махсус Фармони ва Қарорлари асосида иложи борича тўй-ҳашамларни кам харж қилиб ўтказиш бўйича кўп ишлар қилинди. Бунинг учун аввало Президентимизга раҳмат.

Мана яқинда Рамазон ҳайитимиз ҳам жуда чиройли ўтди. Қўшнимиз қизига 10тагина тоғора жўнатди. Ҳайити ҳам бир кунгина бўлди. Ахир ҳаётимиздан жой олаётган бу қоидалар бутун Ўзбекистон халқига тегишли-ку деб ўйламан. Шаҳрихонда ҳам бу қоидаларимизга сал эътибор беришса яхши бўларди. Айниқса қиз чиқаришда ким ўзарчилик ҳамон давом этаяпти. Масалан, қизнинг сарпосида энг камида 60тадан 100тагача қўйлак, 10-20та жемпер, мебели бўлиши шарт. Кўрпа-кўрпачани айтмайсизми. Энг ками 20та кўрпа, 20та кўрпача, 20та ёстиқ бўлиши керак. Ҳозирги пайтда буни қилиб беришнинг ўзи бўладими, ахир. Шаҳрихон ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, қолаверса маҳалла раислари бу ишни тартибга солишса бўларди. Майли, эл қилганни қилиб бериш мумкин. Лекин бунга қурби етмайдиган оилаларга қийин-ку. Қарз олишга мажбур. Мана, Тошкентда қизларга 6та, куёвларга 4та кўрпа қилинади. Менимча шулар икки ёшга бемалол етади. Ахир ўзбекнинг боласи кўп бўлса. Мен ўзимга ёқмаган урфни ёздим. Балким менинг фикримга қўшиладиганлар ҳам бўлар. Бизнинг ҳам қизларимиз катта бўлишаяпти. Мен бунча нарса қилиб бермаган бўлардим. Сиз нима дейсиз?

**Шаҳрихонлик ГУЛБАҲОР.**

**Каромат опа!** Аввало берган маслаҳатларингиз учун катта раҳмат. "Ҳамиша сабрли бўлинг", - дебсиз. Билмадим, сабрим қанчагача етар экан? Қанийди аяжоним ҳам сиздай фикрласалар? Шу йил институтга грант асоси-

# ҲАР КИМ ЎЗ СЕВГИСИГА ЭРИШСА

*"Онажон, мени тушунинг" - 34-сон*

**ЭСЛАТМА:** *«Алишер исмли йигитни севиб қолдим. Бироқ ойим бизнинг турмуш қуришимизга қарши. Сабаби, мен ўзига тўқ оиладанман. Алишер ўсган оила эса...»*

**АЗИЗА. Бухоро.**

да қабул қилиндим. Яқинда Алишер келиб кетди. Энди 3 ойдан кейин келса керак. Алишер йўқлигида кўп жойдан совчилар келди, ҳаммасига рад жавобини бердим. Опажон, аямни қандай қилиб рози қилай, бошим қотган. Алишер ҳақида ҳатто эшитишни ҳам хоҳламайдилар. Алишер келганида нималарнидир баҳона қилиб, у билан айланганни чиқардим. Сезиб қолдилар. Энди қўлимга қўл телефон олиб берганлар. Ҳар ярим соатда телефон қилиб, қаердалигимни аниқлайдилар.

Опажон, мен Алишерсиз туролмайман, у менинг ҳаётим, борлиғим, уриб турган юрагим. Ёзган гапларимдан сезгандирсиз уни қанчалик севишимни? У ҳам мени севади, мени ўзимдан кўпроқ ҳам севади.

У: "Энди Бухорода яшайман", - деб айтди. Ҳар кимни йўли ўзига, тўғрими? Опажон, опаси билан киндиклари боғланмаган-ку. Мен бу гапим билан опасига ёрдам бермасин, демоқчи эмасман! Қайтага опаси билан гапи келишмай: "Қайтиб бормайман",- деганида, Тошкентга кетишга ўзим кўндиргандим. Лекин энди 10 кун бўлган бўлса ҳам соғиндим. Алишерни бошига кўп қийинчиликлар тушган. Алишер эндигина 22 ёшга тўлди.

Январ ойигача Тошкентда опасига ёрдам бериб туради. Кейин Бухорода яшар экан. Бухородан оиласи билан кетишган. Катта опаси шу ерда турмушга чиққан, опасининг ўз рўзғори бор. У кишига ҳавас қиламан. Алишер менга: "Азиза, менга 2 йил вақт беринг.

*"Ҳамиша сабрли бўлинг" - 46-сон*

**ЭСЛАТМА:** *Азиза, ойижонингиз «бойроқ» инсонни танла, деб хато қилибдилар. Бир бурда нон бўлса ҳам осуда ҳаётга не етсин. Онажонингиз сизни тушунишларини хоҳлардим.*

**Каромат ДЕҲҚОНОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани.**



Ҳаммаси яхши бўлади. Ўз уйимиз, машинамиз бўлади, тўй учун пулни ҳам йиғаман ўз меҳнатим билан. Фақатгина вақт керак, ўшанда аяжонингизни рози қилиш осон бўлади. Бухорода ҳеч кимим йўқ сиздан бошқа. Опам ўз оиласи билан. Келсам фақат сиз учун келаман. Менга ҳам осон эмас, тушунинг мени. Сиздан кўп нарса сўраганим йўқ. Фақат менга ишонишингизни хоҳлайман. 2 йил вақт сўраяпман. Биламан, сиз мени кутишга тайёрсиз, ишонаман", - деб пойтахтга қайтиб кетди.

Опажон! Сиз менинг ўрнимда бўлсангиз, нима қилган бўлардингиз. Ҳозир хато қилиб қўйсам, бир умр қийналаман. Виждоним яшашга йўл қўймайди. Бу ерда акам билан ҳам бир йигит келиб гаплашибди. Акамга у йигит маъқул бўлган шекилли: "Синглимни сендан бошқасига узатмайман. Йигит сўзим, ўртага бошимни қўяман, фақат ҳозир эмас, сабр қилгин", - дебдилар. Алишер ҳам келиб гаплашмоқчи.

Энди нима қилай опажон? Аям ҳам, акам ҳам у йигит тарафдори. Тўғри-да, ўзи аямга шунақа йигит керак. ИИВда ишлайди, ҳамма нарсаси муҳайё, лекин менга бунақа бойликни кераги йўқ. Севган инсоним ёнимда бўлмаса, бу нарсалар, бу бойликлар бир пулдай кўринади кўзимга. Тўғрими опажон?!

Менга мактуб ёзинг. Сизнинг хатингизни кутаман. Интизор бўлиб кутаман. Ҳа айтгандай, кўзларим Худога шукрлар бўлсинки, яхши. Мен шундай кўришимга ҳам шукр қиламан. Ахир мендан ҳам баттар паст кўрадиганлар бор. Жисмим соғ бўлгани билан кўнглим бемор. Оллоҳ ҳар бир йигит-қизни ўз севгисига етишиш бахтини насиб этсин.

*Акс-садо*

**АЗИЗА,**
**Бухоро вилояти.**

**Садоқатхон,** мақолангизни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Сизга қанчалик оғир бўлмасин фикримни очиқ баён этмоқчиман. Йўқ!!! У йигит сизга мос эмас. Нима учун билиб туриб ўзингизни дўзахга отмоқчисиз. Ахир сиз 17 ёшли қизча эмассиз-ку! Оқила ёшдаги қизсиз-ку. Менинг фикримча, сиз одамларнинг гап-сўзларидан чарчагансиз. Тенгдошларингизнинг ҳаётига ҳавасингиз келганлиги

# КЎЗИНГИЗНИ КАТТАРОҚ ОЧИНГ

*"Уни ҳамон кутаяпман" -46-сон*

**ЭСЛАТМА:** **Бир йигит билан танишиб қолдим. У менга кўнглини очди. Оиласидан ажрашганини ва мени севишини айтди. Мен «уйланган йигитга тегаяпти» деган гапларга ҳам парво қилмай, унга тегишга рози бўлдим. Аммо йигит бир неча марта мени алдаб, қаерларгадир ғойиб бўлиб кетди. Мана 14 ойдирки ундан хабар йўқ. Мен нима қилай.**

**САДОҚАТ, Термиз.**

туфайли тезроқ турмушга чиқмоқчисиз. Оилангизда ҳам ўзингизни ортиқчадек ҳис этсангиз керак. Акс ҳолда уйланиб ажрашган, қалтис ишга аралашиб 2 йилга бекор кетган, уришқоқ, тез-тез қаерга кетганини айтмай йўқолиб кетадиган, ваъдасида турмайдиган бебурд, ёлғончи йигитга турмушга чиқишни истамасдингиз. Наҳотки қаерга кетаётганини айтмаса?! Сиз билан бор-йўғи ярим соатгина гаплашса-ю хайрни насиб қилса. Садоқатхон, кўзингизни каттароқ очинг. Келажагингиз ҳали олдинда. Ўзингизни хор қилманг. Ўтирган қиз ўрнини топади. Юрагингизга қулоқ солинг. Юрагингиз хотиржамми? Йўқ, у безовта. Юрагингиз сезяпти у йигит сизнинг тенгингиз эмас. Балки, энди ёшим ўтиб қолди, мен тенги уйланмаган йигит қолмади ахир, дерсиз. Ахир иймонли, бирор сабаб туфайли оиласи бузилган ёки хотини ўлган йигитлар ҳам бор-ку. Сизнинг ёшингизда кўпроқ ақл билан иш қилиш даркор.



Уни севаман, унута олмайман, дебсиз. Майли, турмуш ҳам қурдингиз дейлик. Тўйдан кейин яна 6 ойлаб йўқолиб кетса нима қиласиз. Билиб туриб турмушга чиққансиз-ку. Балки ҳаммаси ўзимнинг қўлимда, ўзим тарбиялайман, деб ўйлаётгандирсиз. Менимча, Ботир акангиз тарбияланадиган ёшдан ўтганлар. Садоқатхон, зерикманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Ўзингизни қўлга олинг. Келажакда бахтли бўлиб кетишингизга ўзингизда ишонч ҳосил қилинг. Келинг, ўзим ҳақимда гапириб берай.

Биринчи турмушим бузилгач, қайта турмуш қурмасликка онт ичдим. Чиққан қиз уйига ҳам сиғмаскан. Уйимдагиларга бу ёқмади. Яхшиям эрталабдан кечгача ишда бўламан. Кўзларига камроқ кўринаман. Шундай қилиб, итдан ҳам, битдан ҳам совчилар келаверди. Мен ҳам қайтаравердим. Қўрқардим, яна аввалгидек ҳолат такрорланадигандек эди. Яъни қайнонагинам ҳар хил туҳматлар билан эримни бездирадигандек эди-ю, яна ота уйимга қайтаётгандек эдим.

Бахтли бўлиб кетишимга сира ишонмасдим. Биринчи турмушим қишлоғимиздан эди. Қайнонагинам мен ҳақимда бўлмағур гаплари билан қўшни қишлоқдагиларни ҳам заҳарлаб улгурганди. Қўшни қишлоқдагилар билан тўй-пўйда гаплашиб қолсам улар менга: - "Сиз палончининг келини эдингизми? Сизни бошқача таърифловди-ку?", - деб ҳайратланишарди.

Хуллас кунлардан бир куни қайсидир газетадан ўз-ўзини ишонтириш машқларини ўқиб қолдим ва шу усулни ишониб-ишонмай қилиб кўрдим. Мен ўз-ўзимни келажакда бахтли бўлишимга ишонтира бошладим. Мен ниҳоят ишондим ва бахтимни интизорлик билан кута бошладим.

Ниҳоят 30 ёшимда узоқ 7 йил кутилган кун келди. Ўзимдан 2 ёш кичик уйланмаган йигитга турмушга чиқдим. Аввалига қайнонам турмушимга қарши чиққан бўлсалар, ҳозирда у кишининг энг севимли келинларига айландим. Турмуш қурганимизга 11 йил бўлди. 2 қиз, 1 ўғлимиз бор. Бир-биримизни ҳурмат қиламиз. Ҳеч қачон бир-биримизни алдамаймиз. Бахтнинг кечи йўқ экан, муҳими ишонч экан.

Турмушимдан ажрашган вақтимдаги миш-мишларни айтмайсизми. Собиқ қайнонагинам бузуқдан тортиб, хотинликка ярамасликкача чиқариб қўйгандилар. Ўша вақтда қанчалик сиқилиб зериккаnим ўзиму худога аён. Лекин барибир сабрли бўлдим ва бахтимни кутдим. Муҳими ишондим ва бахтли бўлдим.

Сиз ҳам сабрли бўлинг. Ишонинг, кутинг. Бахтли бўлинг. Ўзингизни иш билан овутинг. Бирор ҳунарни эгалланг.

Сизга бахт тилаб:

**НИЛУФАР**

# ҚАНОАТ ҚИЛГАН - ХОР БЎЛМАС

*"Болангиз аро йўлда қолмасин" - 42-сон*

**ЭСЛАТМА:** **Эримнинг хиёнати ҳақида бировдан эшитиб қолдим. Болаларни ташлаб онамникига кетдим. Энди эримнинг шармандасини чиқариб, қаматмоқчиман.**

**Н. ЙЎЛДОШЕВА**

Мақолани ўқиб, оиламизда бўлган воқеа ёдимга тушди.

Опамни турмушга узатганимизда 8-синфда ўқирдим. Кузда узатилган опам қишнинг бошларида уйга йиғлаб келди. Ўша куни кун бўлмади, қирғинбарот бўлди.

Биз қўшни хонада ўтирибмиз. Отам қариндошимизникига чиқиб кетди. Онам билан опам роса жанжаллашишди.

- Бормайман, нима қилсангиз қилаверинг, - йиғларди опам.

- Бекорларни айтибсан! Бу уйда сенга бировни кўзи учиб турганини йўқ, - чўрт кесди онам унинг гапини.

- Менга сарпога ҳеч нарса қилмаган. На тилла, на тузукроқ сарпо... У уйда бир кун ҳам яшамайман.

- Менга қайнонам сарпомга бир кўйлак қилган. Уйни ҳам отанг икковимиз бирга қурдик. Тилласиз, сарпосиз ҳам яшаш мумкин. Ё эринг ёмонми?

Опам онамнинг саволига жавоб бермади. Узоқ давом этган баҳс қачон тугайди, билмайман.

Эрталаб турсам, онам йўқ. Опамдан сўрасам: "Бозорга кетди", - деб жавоб берди. Вақт пешинга яқинлашганда, онам икки тугун кийим-кечак билан уйга кириб келди. Опамнинг кўзи кийим-кечакка тушди-ю, "вой" дея қичқириб юборди.

Шу куннинг ўзидаёқ онам опамни уйига жўнатиб юборди. Кеч киргач: "Ойи, сигир соғмайсизми?" - деб сўрадим.

Онам хомуш тортиб: "Сигирни сотиб, опангга кийим қилиб бердим. Энди пул йиғиб бошқа сигир оламиз", - деди. "Ие, нега?" - дедим бола ақлим билан. "Ҳар нарсани сўрайверма. Кейин биласан", - деди онам.

Ўша воқеадан сўнг ота-онам анча хафалашиб, гаплашмай юришди. Энди билсам, онам шўрлик, боласини бахти учун молидан ҳам кечган экан. Ҳозир ўша опамнинг тўрт фарзанди бор. Ҳаёти тинч.

Оила ҳам меҳроб каби муқаддас гўша. "Рашк қилди", - деса, оила бузилса, "Тилла олиб бермабди", - деса, оналар қизини эрдан ажратса, оиланинг оилалиги қоладими?

Менимча, оилани ушлаб туришда„ уни яхши ё ёмон томонга ўзгартиришда, биз аёлларнинг ролимиз катта.

Менимча, ҳар бир инсонда энг аввало қаноат бўлмоғи лозим. Ана ўшанда гина-кудуратга ўрин қолмайди, ҳеч қачон гап кўчага чиқмайди, болаларимиз аро йўлда қолмайди.

**Ф.ТОХИРОВА**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Азиз онажоним!**

Сизни таваллуд кунингиз билан табриклайман. Икки дунё саодатини тилайман. Бизнинг бахтимизга доимо соғ бўлинг.

Оила аъзоларингиз номидан қизингиз Муҳаббат Отаниёзова,
УзДЖТУ талабаси.
Қашқадарё вилояти, Нишон тумани.

**Азиз адажоним Хусанбек ТЎРАБЕКОВ!**

Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Ойижоним билан узоқ ва бахтли умр кечиришингизни Оллоҳдан сўрайман.

Ўғлингиз Отабек

**Ҳурматли Асадулло НАЗАРОВ!**



Сизни 25 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Келгусида оилавий бахт, узоқ умр ва соғлик тилаймиз.

Оила аъзоларингиз,
Самарқанд вилояти, Жомбой шаҳри.

**Суюкли опажоним Зубайдахон ЭШҚУВВАТОВА!**

Сизни таваллуд кунингиз билан чин дилдан табриклайман.Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Қалбингиздан шодлик, чеҳрангиздан табассум аримасин.

Турмуш ўртоғингиз, фарзандларингиз Феруза, Нилуфар, Мухаммадқодир, Шаҳзодалар номидан укангиз Ҳошим Орзиқулов.
Нуробод тумани, Мусоқоқ қишлоғи.

# ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ...

Кутлов

Мен "Оила ва жамият" газетаси орқали 2004 йилда жуда кўп дўстлар орттирдим. Бундан жуда хурсандман. Улар билан ўқиш ва ишларим ҳақида ёзиб, маслаҳатлашаман. Менга юборган мактубларини олган куним бошим осмонга етади.

Жиззахлик ҳарбий Авиация билим юрти курсанти Шуҳрат Бозоров, қашқадарёлик Дилноза Ибрагимова, Баҳром Эгамбердиев, Баҳодир Хушвақтов, андижонлик Элмурод ва Мурод, жиззахлик Соҳиба Норқўзиева, сирдарёлик Жумагул Бозорбоева, Тошкент вилояти, Ўрта-Чирчиқ туманидан Феруза ва Дилдора Мамадалиева, паркентлик Нилуфар Пўлатова, Наманган вилояти, Уйчи туманидан Фарҳод Акбаров каби газета орқали танишган дўстларимни янги йил байрами билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳаммасига бахт ва омад, янги зафарлар тилайман.

**Нилуфар ҚАЮМОВА.**
**Сурхондарё вилояти,**
**Кумқўрғон тумани,**
**Нефтчилар маҳалласи.**

**Юнусобод туманидаги "Музаффар-Хўжа" хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даъвогарлар икки ҳафта давомида 134-33-77 телефони орқали мурожаат қилишлари мумкин.**

***МАЛАКАЛИ - БОШ ҲИСОБЧИ ДОИМИЙ ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.***
***Телефон: - 134-33-77, 136-01-95***

## «Оила ва жамият» ўгитномаси

Мол-амал обрўси йўлдаги чангдир,
Сал шамол қўзғалса, тўзиб кетади.
Амалдан айрилсанг, ҳолинг ҳам тангдир,
Кўп "дўстлар" шу заҳот безиб кетади.

* * *

Отинг чопмас экан, қамчи бефойда,
Пойгада олдинги ўрин бўлмайди.
Меҳнатсиз машаққат бўлмаган жойда,
Ҳаёт ҳам ҳеч қачон ширин бўлмайди.

Чавандоз бўлмаса, чопиш қийиндир,
Меҳнатсиз пулни ҳам топиш қийиндир.
Ўргатмаган бўлса, уйда онаси,
Келинга, тандирни ёқиш қийиндир.

* * *

Оқиллар ҳақиқат томонда бўлар,
Қўли қинғир, доим гумонда бўлар.
Ўзлари бир варақ ўқимаса ҳам,
Чанг босган китоблар жавонда бўлар.

**Пардабой ҚУЛАТОВ,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Жарқўрғон тумани.**

# ОСМОНДА ЁЗУВЛАР УЧАРДИ...

Туш таъбирномаси

Ўшанда 6-синфда ўқирдим. Бир туш кўрибман. Тушимда уйимиз олдида қариндошимизнинг ўғли укам билан осмонга қараб ётганмишмиз. Укам ўшанда 6 ёшда эди. Бирдан қибла тарафдан осмонни қоплаган қоп-қора катта-катта арабча ёзувлар учиб ўта бошлади. Мен уларни ўқий олмай қийналардим. Аммо 6 ёшли укам эса тез-тез шариллатиб ўқиётган эмиш. Мен: "Сен қандай ўқияпсан?" - деган заҳотим уйғониб кетдим. Азонда ота-онасига бориб тушимни айтгандим. Улар: "Яхши туш кўрибсан", - дейишди. Бу тушим кечагидек эсимда. Унинг ота-онаси ҳам тез-тез эслаб туришади.

Тушимнинг таъбири эса кейинчалик шундай бўлди. Қариндош укам 4 йиллик мадрасани битирди. Икки йил бурун маҳалласининг мулласи этиб сайланди.

**Лиза РЕЙМОВА,**
**Қорақалпоғистон республикаси,**
**Тахтакўпир тумани.**

# ЭЪЛОНЛАР!

***УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ***

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**
**Буйрак, қовуқ, простата бези** касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
**Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангтоҳ маҳалла) Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача. Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.**

# ОНАМНИНГ НИГОҲЛАРИНИ ҲИС ЭТАРДИМ




ҒАРОЙИБ

- Мен эсимни таниган пайтларимда онам оғир бетоб эди. Ундан сира ажралгим келмасди. Чунки, у касалхонада кўп ётар, касалхона уйимиздан унча узоқ бўлмагани учун, баъзан уни соғиниб, олдига бориб ҳам турардим. Олдидан сира кетгим келмасди,-дея бир воқеани айтиб берди заводда раҳбар бўлиб ишлайдган қўшнимиз.

- Онам бечора мени бағрига босиб йиғлар, сўнг:

-Болажоним! Қани эди сени катта бўлганингни кўрсам! Бир куни яхши инсон бўлиб улғайиб, ўқишга ҳам кирарсан. Қани энди ўша дамларда ҳам ёнингда бўлиб, сени дуо қила олсам... - деди армон билан.

Бир куни ўйнаб юриб уйга келсам одам кўп, қўшни кампирлар ҳам пичирлаб ўтиришарди. Улар нимагадир тараддуд қилишарди. Биттаси бошимни силаб:

- Эссизгина, бола ҳали ёш, онасининг меҳрига тўймай ўсадиган бўлдида, - деди. Мен бу гапни эшитиб ваҳимага тушдим-да, уларнинг қўлидан чиқиб касалхонага қараб югурдим. Панжарадан ошиб тушиб, онам ётадиган палатанинг ойнасини тақиллатдим. У ердаги икки аёл ҳар гал деразани очиб мени ичкарига тортиб олишарди. Бу гал ҳам шундай қилишди. Негадир кўзлари ёш эди. Мен дарҳол онам каравоти ёнига бориб, маҳкам қучоқладим. Онам кўзларини очиб менга қараб бир жилмайди, сўнг яна юмди. Шундан кейин уни қанча чақирсам-да, кўзларини очмади. Кейинчалик эшитсам, онамнинг вафот этганига ярим соат бўлган экан. Қандайдир мўъжиза биланми, илинж биланми мен борганимда кўзларини очибди.

Орадан бир йил ўтгач яна бир воқеа юз берди. Мен кўпинча қишлоғимизнинг четидаги жарликда молларимни ўтлатиб юрардим. Бу ишим учун отам мени қаттиқ уришарди. Чунки, ўша жарликка тушган одам қайтиб чиқа олмасди. Жарнинг тубидаги ботқоқлик бағрига тушган ҳамма нарсани ўз қаърига тортиб кетарди. Бир-икки марта моллар ҳам тушиб кетган бўлиб уларни бизни кўзимизнинг олдида ботқоқлик ютиб кетганди. Худди ана шу жарлик бўйидаги олма дарахтининг устига чиқиб олма еб ўтиргандим. Кутилмаганда мен ўтирган шох синиб, жарликка йиқилдим. Ёмон тушганим йўғу, лекин ботқоқ, машъум ботқоқ мени аста-секин ўз домига тортаётганини тушундим. Кеч бўлиб қолганлиги учун атрофда зоғ ҳам йўқ эди, қўрқиб додлаб, йиғлай бошладим.

Ёш бўлганим учун, ўлим нималигини билмаганман. Аммо, шу лаҳзада негадир онамнинг нигоҳларини ҳис этдим. Назаримда онам худди жарлик тепасидаги дарахтлар ёнидан менга ташвиш билан қараб тургандек туюларди. Беихтиёр бор овозим билан: "Онажо-о-о-н, ёрдам беринг! Мени қутқаринг!" - дея бақирдим.

Буни қарангки, ўша онам кўринган томондан бирданига каттиқ ва кучли шамол эсди. У шундай тўс-тўпалон билан гувиллардики, дунё остинустун бўлиб кетаётгандек туюлди. Даҳшатдан кўзларимни юмиб олдим. Кўзимни очсам жар тепасидаги баланд дарахтлардан бири ағдарилиб нақ ёнимга тушибди Мен бу вақтда белимгача ботқоққа ботгандим. Жон ҳолатда дарахтнинг шохларига тирмашдим. Ярим соат харакат қилиб, дарахтнинг шохларига осила-осила жарнинг тепасига чиқиб олдим-да, йиғлаб юбордим. Буни қаранг=ки, энди бояги тўфон ҳам тинчиган, атроф сокин эди. Майин шабада келиб юзларимни силаганида худди онамнинг қўлларини ҳис қилгандек бўлдим. Мана шу икки воқеа менинг олисдаги болалигимга абадий муҳрланиб қолди. Орадан йиллар ўтди. Онам орзу қилганидек ўқидим, ишладим, мана шу лавозимга етдим. Ҳозир фарзандларим бор. Бахтлиман. Гарчанд, она меҳрига тўймаган бўлсам-да, лекин, бир умр унинг меҳрли нигоҳларини ҳис этиб яшадим. Ҳозир ҳам ҳар бир яхши ва оғир кунларимда ҳам онам ёнимда тургандек бўлаверади.

**ҲАМИДА**

**Об-ҳаво маълумоти**

Республикамизда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Баъзи жойларда туман тушади. Шамолнинг тезлиги кучаяди. Ҳарорат кечаси **6-7** совуқ, кундузи эса **2** илиқ бўлиши кутилмокда.

"Оила ва жамият" газетаси жамоаси "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент вилояти филиали директори Зоҳид Қосимовга падари бузруквори

**ЗОКИР ота**нинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Қимматбаҳо тақинчоқлар харид қиласиз. Аммо, сал тежамли бўлишга харакат қилинг. Ўзингизга жуда ёққан буюмни харид қилинг.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Кўпроқ табиат бағрида ҳордиқ чиқаринг. Асабларингиз жойига келади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ҳафтада ҳамёнингизга мўмай даромад тушиши кутилмокда. Қаттиқ толиқасиз, лекин дам олишни ҳам унутманг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Яқинларингизга ўз фикрларингизни айтишдан тортинманг. Бу билан сиз уларга яхшилик қилган бўласиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ўз вақтида овқатланишга эътибор қаратинг. Акс ҳолда соғлиғингиз панд бериши мумкин.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Кўнглингизнинг бўшлиги баъзан панд бериши мумкин. Баъзан ўзгаларнинг илтимосини рад этишни ҳам ўрганинг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Қарз олмасликка харакат қилинг. Яхшиси, ҳафта давомида тежамлироқ бўлинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).**- Иш юзасидан таклифлар тушади. Рози бўлсангиз катта даромадга эга бўласиз.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Сермаҳсул ҳафта. Қўлни қовуштириб ўтирмасдан унумлироқ ишлашга харакат қилинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Қариндошларингиз билан дийдорлашишни истасангиз-да, аммо, кўп вақтингиз меҳмон кутиш билан ўтади.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**- Ўзингизга алоқаси йўқ ишларга аралашманг. Акс ҳолда турли муаммоларга ўралашиб қоласиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Сизни хафа қилишлари мумкин. Лекин эътибор берманг. Оила аъзоларингизга суянинг, улар сизни севишади.

# УШБУ СКАНВОРД ХАЗИНА ГАЗЕТАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ХАЗИНА | Мазах | Одиссей юрти | Отелло миллати | Зебра ранги | «...-...» (гурух Россия) | ХАЗИНА | ХАЗИНА | Бозор, қатор | Сода русуми | Пардоз ашёси | ...саб, кин... | ХАЗИНА | ХАЗИНА | Қамоқ | Ҳўл мева | Илон тури | Вақт бирлиги | ХАЗИНА | Олов |
| Японча кийим | | | | | | | Бокс-тайм / Кўмир кони | | | | | | Борган сари / Табақа, Ҳинд | | | | | | |
| Таом тури | | | | | | Кўлка, соя / Қуруқ мева | | | | | | Фаранг физиги / Чипта | | | | | | Ўқувчи кийими | |
| Вулқон | | | | | Бўёқ хили / Синф анжоми | | | | | | Тешиш асбоби / Юпқа ёғоч | | | | | | Нота / Қуш тури | | |
| Инглизча ўлчов | | | | Дарахт, Россия / Табассум | | | | | | Камар / Қон қуйикаси | | | | | | Донор / Чакмон, Кавказ | | | |
| Вертолёт | | | Бемор / Ҳаж | | | | | | Мато қийқими / «Ошиқ» ҳолати | | | | | | Япроқ / Бит боласи | | | | |
| ХАЗИНА | | Дама, валет / Орол, Океания | | | | | | Ғўза / Марра | | | | | | Қош бўёғи / Балиқ тури | | | | | |
| ХАЗИНА | «...-Барбара» / Шахар, Болгария | | | | | | Пишиқ / ...-Клаус | | | | | | Зирак / Финиш | | | | | | Тутқун аёл |
| Сўз бериш | | | | | | Хатолик, камчилик / Кирк кун | | | | | | Олмон пули / Жухи (актриса) | | | | | | Ёзма мурожаат | |
| Йўлбарс, (Дерсу Узала) | | | | | Юз кисми / Олтин | | | | | | Авто русуми / Бош | | | | | | Моҳир / Ралли | | |
| Футбочи, Африка | | | | Мажол / Ипак курти | | | | | | Кўпайтириш / Тасалли | | | | | | ...ма, ка... / Мушт | | | |
| Юклама | | | Жинчироқ қисми / Итальян адиби | | | | | | Улфатлар / Ўлчов бирлиги | | | | | | Давлат, Африка / Гўшт бўлаги | | | | |
| ХАЗИНА | | Кўрғон, Европа / Ўтинчи куроли | | | | | | Мавсум / Нон ясаш анжоми | | | | | | Қадим қурол / Пушкин қахрам. | | | | | |
| ХАЗИНА | Ахмадуллина / Росси (футбол.) | | | | | | Мадор / Чўнтак | | | | | | Ҳамкорона / Сандал | | | | | | Леди Ди |
| Нур соч, Чақна! | | | | | | Қассоб ашёси / Капа | | | | | | Тиргак / Суюқ ош | | | | | | Хитой айиғи | |
| Олға (русча) | | | | | Патта / Мато хили | | | | | | Тўрва / Ибодатхона, Киев | | | | | | 3.14 / Эссе | | |
| Падар | о | т | а | Шахар, Ироқ / Илк асос | | | | | | Ихчам / Кўзи гўшти | | | | | | Давлат, Осиё / Кимё идиши | | | |
| Самолёт | | | Ўт-ўлан / Сўроқ олмоши | | | | | | Ҳамма / Геракл аждари | | | | | | Шахар, Франция / Домла | | | | |
| ХАЗИНА | | Гарнир / Қорин оғриғи | | | | | | Тана / Жалюзи | | | | | | Жинс, унсур / Кай дўсти | | | | | |
| ХАЗИНА | Японча шеър / Ёғин тури | | | | | | Карта ўйини / Пиночет, Чили | | | | | | Адиб, Кавказ / Тазарру | | | | | | Ғариблик ҳолати |
| Ҳафта куни | | | | | | Майдон, Тошкент / Дон-дун | | | | | | Девона / Илон тури | | | | | | Юбка детали | |
| Тоғ дарахти | | | | | Шиш / Бахо бирлиги | | | | | | Аёл исми, Европа / Дарё (тарих.) | | | | | | Олмош / Осмон | | |
| Чироқ хили | | | | Оллох қули / Маугли дўсти | | | | | | Янги шох / Ўн (тожик.) | | | | | | Қорақўл тури / Қайғу | | | |
| ...фас, май... | | | Қиска / Гестапо | | | | | | Чурра тушиши / ...зоқ, та... | | | | | | Дунё томони / Албатта | | | | |
| ХАЗИНА | | Дастор | | | | | | Фойда, самар | | | | | | Барча | | | | | |
| Вазифа, машқ | | | | | | | Фотима эгизи | з | у | х | р | а | Аҳли йиғин | | | | | | |



# МЕҲРИБОНГИНАМ

Азизим, меҳрибоним, отажоним! Мана, 20 йилдирки, Сизсиз яшаб келяпман. Сиз шифохонада даволаниб ётганингизда бир қариндошимиз биз ҳамма нарсага тайёр туришимиз даркорлиги ҳақида гапирганида, кўзимга шунчалар ёмон кўриниб кетган эдики, буни сўз билан таърифлаб беришим жуда қийин эди ўша дамда. Сиздан ажралиш мен учун ниҳоятда оғир эди. Чунки, Сизни шунчалар яхши кўрар эдимки... Сиз ҳам мени гўёки ёш боладек эркалар эдингиз. Бемор бўлсангиз ҳам уйимизни тўлдириб ўтирардингиз. Бу мен учун ниҳоятда катта бахт эди. Сизнинг соғайиб кетишингизни кечаю кундуз Оллоҳдан илтижо қилиб сўрардим.

1983 йилнинг 29 августида Тошкентга кетаётиб сиз билан ҳар галгидек хайрлашиб йўлга отланмоқчи бўлганимда: "Қизим, қизгинам, яхши ўқи. Мендан хавотир олма, албатта соғайиб кетаман", - деб бир неча бор пешонамдан ўпдингиз. Сўнгра қайта-қайта бағрингизга маҳкам босдингиз. Мени охирги марта кўраётганингизни билгандек ёниб турган кўзларингизни узолмадингиз, отажон! Агар сизни охирги марта кўраётганимни билганимда эди бир зум ҳам жилмасдим ёнингиздан.

Отажон, уйдагилар сизни охирги манзилга кузатишаётганда, Тошкентдан етиб келолмаганман.

Отажон, сизни таниган, билган ёшу-қарилар, қариндошлар, дўстларингиз барча-барчаси соғинч билан эсга олишади. Чунки, Сиз доимо инсонларга яхшилик қилгансиз...

Ҳозир ҳаёт бўлганингизда 76 ёшда бўлар эдингиз. Сиз менинг юрагимда доимо яшайсиз, отажоним!

**София НАЗАРОВА**
**Самарқанд вилояти**
**Нарпай тумани**

# ЖАННАТ БОҒЛАРИДА ЮРГИН

Мен 15 кунгина оналик бахтидан қувондим. Аммо унинг кулгуларини эшитиш, чопқиллаб юрганларидан суюниш насиб этмаган экан. У қалбимизни ҳасратга тўлдириб оламдан ўтди. Гунчадеккина болагинамни тўйиб бағримга боса олмадим ҳам. Боламни илк бор қўлимга олганимда юрагим, вужудим ўзгача ҳаяжондан титроққа тушганди. Бу оналик бахти эди. Афсус... Саломатхон деб ном қўйган фарзандимнинг камолини кўриш буюрмаган экан.

Қизалоғимнинг мунчоқдек кўзлари, лўппигина юзчалари сира кўз олдимдан кетмайди. Ҳар куни у кийган жажжигина кўйлакчаларини юзларимга босиб йиғлайман. Кўнглим адоқсиз ўкинчларга тўлади. Ҳаёт гулзорига бирровгина қўниб ўтган чиройли қушчам, қизим Саломатхон! Илоё жойинг жаннатда бўлсин.

**Онажонинг Дилором РИХСИЕВА,**
**Юнусобод тумани.**

# СОҒИНЧ

**(Марҳум ўғлим хотирасига)**

*Дунёга сиғмайин кетаман гоҳо,*
*Соғинчлар тилкалаб ташлайди бағрим.*
*Сиқиламан, қолгим келади танҳо,*
*Дардкашим бўлади ёлғиз ўз қалбим.*
*Гўё ҳамма нарса соғинар уни,*
*Майсалар йиғлади ётиб қабрига.*
*Саболар сўроқлар, қийнаб ҳар куни,*
*Ҳатто фасллар ҳам шерик дардимга.*
*Гуллаган оламнинг битта мафтуни,*
*Йўқлигидан баҳор хуноб, куюниб.*
*Ҳар нарсанинг йўқдек бағри бутуни,*
*Шамол увиллайди, гулларни юлиб.*
*Яшил ғўрачалар қўмсайди уни,*
*Боламнинг ризқлари тўкилиб тушар.*
*Осмоннинг кўз ёши оқар ҳар куни,*
*Сел бўлиб қуйилиб, қабрини қучар...*
*Не учун йиғлайсан, нима дардинг бор,*
*Сен ҳам соғиндингми ё уни, баҳор.*
*Ёз оқшоми, осмон тўла юлдузлар,*
*Ана эртагимга қулоқ тутган ой.*
*Этаксеваримни тополмай излар,*
*Кўргиси келади уни ҳойнаҳой.*
*Кундуз ҳарорати боради ортиб,*
*Бунчалар ёнасан мендек, бер овоз.*
*Дардинг кучаймоқда уни йўқотиб,*
*Балки соғинчлардан куймоқдасан, ёз...*
*Мезон кирди. Олам сарғайди сўлди,*
*Ерга бағрин берди тўкилган хазон.*
*Табиат тақдирга тан берди кўнди,*
*Бироқ, бутунлайин рўйи заъфарон.*
*Айрилиқ дардига чидолмай усиз,*
*Мендек адо бўлдинг, соғиндингми, куз.*
*Қиш мунча тунд, дийдалари тош,*
*Замин юзларини қиров, муз босди.*
*Қисматнинг ишига беролмай бардош,*
*Сумалаклар томга ўзини осди.*
*У севган табиат, у севган борлиқ,*
*Ўралди кафанга усиз ёғиб қор.*
*Оҳ ғамнинг ишлари бунчалар совуқ,*
*Демак, қишнинг менга дардкашлиги бор.*
*Сенинг ҳам азобинг уни йўқотиш,*
*Балки шу аламдан муз қотдингми қиш.*
*Шоиралар телба десинлар, майли,*
*Хаёллар ҳам мадад, жонланса агар.*
*Таскин берар менга кўнглимнинг сайли,*
*Кўнглим бор—у яшар, соғинч муқаррар.*

**Ҳимоят НАЗАРОВА.**

# УСТОЗНИ ЁДЛАБ...

Вилоят режалаштириш идорасида иқтисодчи, кейинчалик раис ўринбосари бўлиб ишлаган давримда Самарқанд вилоят ижроқўмининг биринчи муовини лавозимига Михаил Арменакович Халатов тайинланди. Арман миллатига мансуб бу одам, ишга кириши билан, ижроқўмдаги тартиб-интизомни тубдан ўзгартирди.

Раҳматли Михаил Арменакович ҳаммага нисбатан ниҳоятда талабчан, қаттиққўл, бир сўзли, айтган гапи, берилган топшириғини юз фоиз бажарилишини таъминловчи раҳбар эди. Михаил Арменакович ишлаётган ходимлар ишга кечикиш, галстук тақмаслик, иш кабинети эшигини очиқ қолдириш, коридорда тикка туриб суҳбатлашиш, бино ичида юрганда ёши улуғ ходимларга, хотин-қизларга йўл бермаслик, баланд овозда гаплашиш каби салбий ҳолатларга чек қўйишга эришди. Михаил Арменакович катта лавозимда бўлса ҳам ишга вақтида келиб, кеч соат 9-10ларгача ишларди. У киши ўзбек тилини мукаммал биларди ва шошилмасдан чиройли гапирарди.

Михаил Арменаковичнинг қабулига келган фуқаро ёки ташкилот раҳбарлари кириш учун навбат кутиб туришмасди. Кабинетга кирган одам эса 3-5 дақиқадан ортиқ ушланмасди. Ҳал бўладиган масалани бўлади, бўлмайдиганини бўлмайди, деб қатъиян айтарди. Битта зиёнли одати — қўлидан сигарета канда бўлмасди. Охирги пайтларда бир кунда уч қути сигарета чекканининг шоҳиди бўлганман. Кўп чекиш сабабини кейинчалик билдим. Бу ҳам бўлса республикамизга Гдльян-Ивановлар бошчилигида "пахта иши" деб тергов гуруҳи келгани экан. Михаил Арменакович вилоят партия қўмитаси қарори билан Жомбой тумани пахта штабига бошчилик қилган. Барча туманлар қатори Жомбой туманини ҳам терговчиларнинг қора рўйхатидан жой олган. Шу сабабли пахта штаби бошлиғини кундузи эмас, кечалари чақириб сўроққа тутишган. Натижада устоз юрак хасталигига дучор бўлиб олтмиш ёшда оламдан ўтди.

Устоз ҳақида ёзишдан мақсадим, авваламбор руҳини шод қилиш бўлса, иккинчидан эндигина раҳбарлик курсисига ўтирган ёшларга устозим хислатларини уқдирмоқчи бўлганимдир.

**Баҳром ИСТАМҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти.**




# ЯРИМ ЙЎЛДА СИНМАСИН ҚАЛАМ...

***Ҳамкасбимиз, акамиз, дўстимиз беозор ва хокисор инсон Тоҳир Норимовни бевақт ўлим орамиздан олиб кетганига бир ойдан ошди. Шу муносабат билан ҳамдардлик билдириб таҳририятимизга қилинаётган қўнғироқлар, ташрифлар, келаётган мактублардан баъзиларини чоп этишни лозим топдик. Кўпнинг дуоси—кўприк, дейишади. Иншооллоҳ, Тоҳир ака ҳақидаги яхши сўзлар қабрларига дур бўлиб ёғилгай!***

**Таҳририят**

***

Биз оиламиз аъзолари билан 5-6 йилдан ушбу газета мухлисимиз. Унинг ҳар бир сонини ва почтачини азиз меҳмонимиз келгандек кутиб оламиз.

Севимли мухбиримиз Т. Норимовнинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда изтироб чекдик. Тоҳир Норимовнинг мазмунли, ибратли, исботли мақолалари бизга маъқул эди. Одамларнинг энг оғир лаҳзаларида тўғри йўл кўрсатадиган, оқил инсон эди у. Илоҳим Тоҳиржоннинг жойи жаннатда бўлсин.

**Раъно ҚУРБОНОВА,**
**нафақахўр.**
**Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани,**
**"Оқ олтин" жамоа хўжалиги.**

***

"Оила ва жамият" газетасининг 50-сонини кўздан кечирдиму, қора чизиқ ичидаги Т.Норимовнинг сувратини кўриб қотиб қолдим. Бир зум бошимни чангаллаб ўтирдим. Мен у кишининг мақолаларини жуда севиб ўқирдим. Ҳар бир сўзлари олтинга тенг эди. Дилимда титроқ қолди. Ҳалиям бу хабарга ишонгим келмайди. Мен у кишининг оила аъзоларига чин дилдан таъзия изҳор этаман.

**Паттихон САМАДОВА.**
**Фарғона вилояти**

***

Ҳар гал пойтахтга келиб, таҳририятга борганимда, биринчи бўлиб Тоҳир ака очиқ юз билан кутиб оларди. "Қандайсиз "земляк", қачон келдингиз, қандай мақолалар олиб келдингиз",- дея хонасига бошлаб кирарди. Биз Тоҳир ака Норимов билан узоқ гурунглашардик. Ана шундай суҳбатлардан бирида Тоҳир ака: "Биласизми Ҳошимбек, мақола ёзиш, ижод қилиш, бу—Ургутда, Нурободда кетмон чопиш эмас. Бунинг ўзига яраша заҳматлари бор. Сиз бундан асло чўчиманг, ёзсангиз фақат ҳақиқатни ёзинг, ҳақиқий ҳаётдан олиб ёзинг",- деганди. Ҳа, Тоҳир ака, ширинсўз, оқ кўнгил, хушмуомала, эътиборли инсон эди. Илоҳим, Тоҳир аканинг руҳи шод, охирати обод бўлсин!

**Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани.**

* * *

Тоҳир Норимовни биринчи марта таҳририятга борганимда кўриб, унга оналик меҳрим тушганди. Худди ўз фарзандимдек кўриб қолгандим. Чунки у катталарни отахон, онахон деб, ҳурмат қилиб муомала қиларди. Мен қария бўлганим сабабли, қўлимдан ушлаб, зиналардан тушириб, йўлга чиқариб, кузатиб қўярди. Оддий ва меҳрибон инсон эди у.

Биз бу йил декабр ойида чолу кампир Янгийўлдаги "Нов" сиҳатгоҳида даволандик. Хуш-хурсанд бўлиб, уйга келганимизда газетанинг 49-сонида Тоҳиржоннинг Нов қишлоғидан ёзган "Катта оиланинг каттаси" номли мақоласини ўқидик. "Тоҳиржон Нов қишлоғида бўлган эканлар, "Нов" сиҳатгоҳига ҳам кирмабдилар-да. Агар кирганларида эди, у ерда даволанаётган ажойиб инсонлар билан суҳбат қуриб, мақолалар ёзардилар, биз билан ҳам учрашардилар", - деган фикр кўнглимга келди. Эртаси куни таҳририятга телефон қилиб, унинг вафот этганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб, ўзимни тута олмай йиғлаб чолимга айтдим. Чолим ҳам кўз ёш қилиб, бирга уни эсладик. Тоҳиржоннинг руҳига атаб чолим Қуръон ўқидилар.

Модомики, дунё ўткинчи, биз унда меҳмон эканмиз, доим бир-биримизга меҳрибон, дардкаш бўлайлик.

**Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи,**
**Тошкент шаҳри,**
**Чилонзор тумани.**

* * *

Тоҳир Норимовнинг фожеали ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабарни ўқиб, гўё кўксимга осмон қулаб тушгандай бўлди.

Мен Тоҳиржонни кўрмаган, овозини эшитмаган бўлсам-да, у неча-неча йиллардан бери ушбу севимли рўзномам орқали ҳар ҳафтада хонадонимга кириб келарди.

"Оила ва жамият" мухлисларининг ишончли дўсти, моҳир журналист, бетакрор шоир орамиздан кетганига ич-ичимдан куйдим, туни билан кўз ёшларим қуримади. Унинг шеър, мақолаларини меҳр билан ўқир, уни худди ўз биродаримдек кўрардим. Инсон ҳаётининг нақадар омонат эканлигига яна бир бор иймон келтирдим. Начора... Ўлим ҳақ.

Оллоҳдан унинг жойини жаннатдан ато этишини ёлвориб сўрайман.

"Оила ва жамият"нинг шаҳрисабзлик мухлислари номидан

**София УЗОҚОВА.**

***

Газетанинг етакчи ходимларидан бири бўлган Тоҳир Норимовнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдираман.

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳри.**

* * *

## УСТОЗ ТОҲИР, ҚАЙДАСИЗ?

*Кўкда ногоҳ бир юлдуз учди,*
*Билмам недан дарак берди у.*
*Қай бир дарахт шохи синдими,*
*Бехос кимга керак бўлди у.*

*Моҳир сўзи ҳар бир сатрида,*
*Илҳом бўлиб дилни кезарди.*
*Мисраларин ўқиганимда,*
*Кўзларимдан ёшлар сизарди.*

*Ким учун у бир сирдош эди,*
*Ким дардига у эди йўлдош.*
*Бугун эса ўша ҳур инсон,*
*Хотирада ёниқ нур, қуёш.*

*Болалари ёш бўзлаб қолди,*
*Мисралари "из-из" лаб қолди.*
*Таскинларин қидириб беҳол,*
*Мухлислари соғиниб толди.*

*Қорни севиб, қорнинг қўйнида,*
*Рақсларни севган Тоҳиржон*
*Бугун қорли ернинг қўйнида,*
*Йиғлар осмон, йиғлайди армон.*

*Меҳри дарё, қалби бепоён.*
*Устоз Тоҳир, қайдасиз бугун?*
*Гўшакларда қолди-ку армон.*
*Сиздан келар жавоблар беун...*

*Йиғлаб турар муйсафид қиш ҳам,*
*Сочлари-да, оппоқ сизнингдек*
*Кенгликларда жимлик, сукунат*
*Ҳаммасида руҳингиз тирик.*

**Дилбар НОРМУРОДОВА.**
**Термиз шаҳри.**

ҲИКОЯ

# ТАҚДИР



Тўкин-сочин оилада вояга етган Васила ўқишга кирди. Уч-тўрт кун барча синфдошлари ичида бошини ғоз тутиб, керилиб юрди. Ахир, у энди пойтахтда ўқийди. У дугоналари даврасида қаердадир ўқиган, “Инсон ўз тақдирини ўзи яратади”, деган гапни кўп такрорлайдиган қилиқ чиқарди. Бунга унинг ҳаққи бордай туюларди. Чунки у ўз кучи билан ўқишга кирди. Аммо ҳеч ким ўз тақдиридан қочиб қутула олмаслигини у ҳали билмасди. Тақдир эса жуда бешафқат...

30 август тонги қизнинг оиласига даҳшатли фожеа келтирди. Отаси навбатдаги юрак хуружини кўтара олмай қазо қилди. Рўзғор анча танг аҳволга тушиб қолди. Лекин Васила ўқишини давом эттирди. У ўз тақдирини ўзи яратмоқчи эди. Тақдир эса унга бўйсунишни хоҳламасди. У фақат бироз юмшаб қизнинг онаси ва акасининг топиш-тутишини яхшилади, улар эса талаба жигарларининг таъминотини яхшилашди.

Қиз эса ўз ақидасига содиқ қолиб, аъло баҳоларга ўқир, кундан-кунга билимдон талаба сифатида обрўси ошиб борарди. Унинг чиройи ҳам очилиб тенгқурлари ичида биринчи гўзалга айланди. Аммо у Тақдирни менсимасди.

Тақдир қизни синаб кўриш учун Тошкентда таҳсил олаётган бир араб шаҳзодасининг қалбини унга асир этди. Бироқ Васила бу илтифотни рад этди, “Умр йўлдошим бўладиган йигитни ўзим танлайман!”, деди у шаҳзодага.

Орадан бир йил ўтиб, қизнинг қошида мушаклари ўйнаб турган, алп қоматли спортчи йигит тиз чўкди. Лекин қиз: -“Мияси бўм-бўш, қуруқ савлат менга керак эмас!”,- деб жавоб қилди ва бурнини жийириб йўлида давом этди.

Кейинги йили ёш, келишган ва қадамидан ўт чақнаб турадиган тижоратчи йигит унинг йўлини тўсиб, севги изҳор қилди. Васила эса уни ҳам “пуф сассиқ”қа чиқарди.

- Шаҳзода менинг ҳар бир қадамимга хўжайинлик қилмоқчи, мен эса эркинлигимни йўқотмоқчи эмасман. Ўқишим, илм чўққиларини эгаллашим керак. Спортчи йигит мени қўғирчоқдай кафтида кўтариб юрмоқчи бўлди, лекин дунёқараши жуда тор, у билан дилдан суҳбатлашиб бўлмайди. Тижоратчи ҳар томонлама мафтункор қайлиқ, афсуски, жуда рашкчи экан. “Сен меники бўласан”, деявериб жонимга тегиб кетди, - деб изоҳ берди у—нега бу йигитларнинг севгисини рад этганини билмоқчи бўлган дугонасига.

“Жуда яхши!”, деди ўзича Тақдир ва: “Мана сенга қизиқарли суҳбат қура оладиган, рашк нималигини билмайдиган ва сенга хўжайинлик қилишни хаёлига ҳам келтирмайдиган замонавий йигит”,- деб қизнинг олдига келажаги порлоқ талабадан бирини юборди.

- Бунинг қўлидан нима ҳам келарди, - деди Васила бу ошиқни ҳам ёқтирмай. - У кўнглимдагидай ҳовли-жойга, машинага, мўмай пул келиб турадиган лавозимга эришгунча мен қариб қоламан-ку.- Қадди-қомати ҳам дидимдагидай эмас.

Бу гал Тақдирнинг чинакамига жаҳли чиқиб кетди. “Мен сени тан беришга мажбур қиламан!”,- деб аҳд қилди у ва қизнинг қошига бадавлат кишининг ўғли бўлган ёш олимни, ундан кейин эса тез танилиб келаётган машҳур қўшиқчини, сўнг эл оғзига тушиб бораётган актёрни жўнатди.

Аммо энг моҳир ҳайкалтарошнинг дурдона асари каби бенуқсон қадди-қоматли, ғазалларда таърифланганидай гўзаллик соҳибаси бўлган мағрур Васила уларнинг ҳар бириданқусур топиб, ҳаммасини қайтарди.

Тақдир тобора тажанглашиб, жаҳл билан унга ўттизга яқинлашиб қолган дипломат йигитни дучор қилганида қиз ўқишини битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишлай бошлаганди. Ёши ҳам 25дан ўтган эди. “Ҳеч бўлмаса шу гал менинг измимга юрарсан!”,- ғазаб билан шивирлади Тақдир.

Ҳақиқатан ҳам қиз Тақдирга бўйсунди. Комилни ёқтириб қолди. Йигитнинг суҳбатини қизиқиб тинглайдиган, у билан концертларга борадиган, жонжон деб сайрга чиқадиган бўлди. Улар бир йилча ошиқ-маъшуқ бўлиб юришди.

Аммо қизнинг севгиси яна дарз кетди. Комилнинг баъзи-баъзида ичиб олиб, унга ёпишишлари, гулга ишқибоз эмаслиги, Европадан кўра Африкада ишлашни маъқул кўриши унинг ғашини келтира бошлади. Кунлардан бир кун гап сотиб кетаётган йигит Василанинг қўлидан тушиб кетган гулни босиб ўтиб кетди.

- Вой, гулимни босдингиз, - худди биров қўлини босиб олгандай жон аччиғида бақириб юборди қиз.

- Узр, кўрмай қолибман, - кечирим сўради йигит.

- Кўзингиз қаёқда эди? Кўршапалакка ўхшаб оёғингизнинг остидаги нарсани ҳам кўрмайдиган бўлиб қолганмисиз?!

Комил нима дейишини билмай қотиб қолди. Қиз эса аччиқланиб, хайр-маъзурни насия қилиб, дуч келган таксига ўтира солиб уйига жўнаб кетди.

Улар қайта учрашмадилар. “Гулни топтаб ўтадиган, нафосат нималигини билмайдиган қайлиқни бошимга ураманми”,-деди Васила кўзгудаги аксига қараб. Чунки у ижарага олган уйида ёлғиз ўзи яшарди.

Бу гал Тақдир қаҳрланиб уни ўз ҳолига ташлаб қўйди. “Уйдан ишга, ишдан уйга” қабилида яшаётган қиз кунлар, ойлар ўтиши билан ниҳоятда зерикиб кетди. Аммо борадиган кўнгил очар жой топа олмасди. Дугоналари турмушга чиқиб кетишган, ҳаммаси рўзғори, бола-чақаси билан овора. Уларникига бориб икки оғиз суҳбатлашиб ҳам бўлмайди. Қайнота-қайноналар, эрлар ва биғ-биғ йиғлаётган гўдаклар имкон беришмайди. Ишхонада эса бир тўда кексалар...

Тўғри, икки-уч марта у орзу қилган “ҳақиқий эркак”лар учради. Лекин уларнинг бари аллақачон уйланиб олишган бўлиб, оиласи учун ўзларини томдан ташлашарди.

Кундан-кунга зерикиб, юраги сиқилиб кетаётган Васила аста-секин китобсиз туролмайдиган бўлиб қолди. У энди фақат ўқиш билан овунарди.

Онаси қазо қилганидан сўнг яккаю-ягона акаси ҳам унга бироз совуқ муомала қиладиган бўлди.

- Синглим, акангиз: «Ўша ёқларда топгани бўлса айтсин, турмуш қуриш вақти аллақачон етган»,-деяптилар. Одамлар гап қилаётган эмиш, - деди янгаси Васила қишлоқдан пойтахтга қайтаётганида.

Қиз унинг кўнглини оғритмасликка интилиб, мулойимгина гапирган янгасининг ҳақлигини тан олди. Ёши ўтиб кетаётганини ҳам, тенгини топиб тезроқ турмуш қуриши лозимлигини ҳам биларди. Аммо у бу ишнинг уддасидан чиқа олмай, яна икки йилни ўтказди. Танлайдиган йигитнинг ўзи қолмаганди...

Тақдир яна у билан шуғуллана бошлади. «Қари қиз» бўлиб қолиб кетишидан хавотирлана бошлаган қизни қалин дугонасининг туғилган кунига олиб борди ва унга келишган бир йигитни дучор қилди. Ўтиришга ёлғиз ўзи келган Жамол тўпланганларни зериктирмай, давранинг гули бўлиб ўтирди. Васила уни севиб қолди. Улар тез-тез учрашадиган бўлишди. Йигит уч-тўрт кунда бир қўнғироқ қилар, уни турли-туман кўнгилочар жойларга олиб кетар ва зерикишига йўл қўймасди. Бир неча ой ана шундай ошиқ-маъшуқ бўлиб юришгач Жамол қизникида тунаб қолди...

Васила бахтли эди, никоҳсиз, тўйсиз севгилиси билан қовушганидан афсусланмасди. Аммо бир куни Жамолнинг оиласи борлиги маълум бўлиб қолди...

Қиз у билан учрашишни йиғиштирди. Унинг: “Кел, никоҳ ўқитиб қўйайлик, иккинчи хотинимдай яшайверасан”, - деган гапига ҳақорат билан жавоб қайтарди.

Яна мазмунсиз, мақсадсиз кунлар бошланди. Фақат энди бу кунлар бироз ғамгин ҳам эди. Уйдан ишга, ишдан уйга, уйда эса китоблар...

Васила ана шундай кунларнинг бирида кекса ҳамкасбининг юбилейига бориш учун шайланаётиб, кўзгудаги аксига синчиклаброқ назар солди ва даҳшатдан қотиб қолди. Чақнаб турган мафтункор кўзлари қани? Бу ҳорғин ва нурсиз нигоҳлар қачон пайдо бўлди? Пешонасидаги сезилар-сезилмас ажин ва юзидаги сўлғинлик-чи? Елкасини тўлдириб турадиган сочлари ҳам сийраклашгандай. У ёши ўттизни қоралаб қолганини эслади...

Қиз биринчи бор тақдиридан нолиб, уни қарғашга тушди. Сўнг аламига чидай олмай ҳўнграб йиғлаб юборди.

- Нега мени қарғайсан? Менинг измимга юрмай, ўз тақдиримни ўзим яратаман, деб мен яратиб берган барча имкониятлардан воз кечган сен ўзинг эмасмисан? - жаҳл билан эътироз билдирди Тақдир. - Не-не йигитларнинг муҳаббатини рад қилиб, эртаклардагидай шаҳзодани излаган ҳам ўзингсан-ку! Сен тенгилар ва сен рад қилганлар ҳозир ўз турмуш ўртоқлари ва бола-чақаси қуршовида шод-хуррам ҳаёт кечиришаяпти. Шаҳзода ўз юртининг энг нуфузли кишисига айланган, спортчи эса жаҳонга танилди, ҳозир рафиқаси билан дунё кезиб юрибди. Тижоратчи жуда бадавлат ва баобрў киши, талаба-йирик олим, сен “пуф сассиқ”қа чиқарган ёш олим эса академик бўлган. Дипломат, йирик давлат арбоби. Сен эса танлаб, танлаб-тозисига учрадинг.

- Бўлди, бас қил! Мен сенга тан бердим! Эй, Тақдир, энди айт, нима қилай? Ёлғизликда яшайверайми? Мен оилали бўлишни, чиройлик қизчам ва дўмбоққина ўғилчам бўлишини хоҳлайман.

- Афсуски, кечикдинг. Сен истайдиган йигитларнинг ҳаммаси ўз жуфтини топиб улгуришган, бўйдоқлари қолмаган. Сен учун фақат хотинидан ажрашганлар ёки бевалар қолган, яна икки-уч нафар ногиронлар бор. Бирининг кўзи ожиз, иккинчиси шол, учинчисининг қўли йўқ. Аммо уччаласи ҳам қалби пок инсонлар.

- Йўқ-йўқ! Хоҳламайман! - бошини деворга уриб йиғлаганча қичқириб юборди ўжар қиз сўнгги бор ўжарлик қилиб.

- У ҳолда тезроқ туғиб ол. Бир-икки йилдан сўнг бунинг ҳам иложи бўлмай қолади.

- Кимдан? Сенинг беваларингу, ногиронларингданми?

- Ўзингга ёқадиганидан. Ахир, Жамол никоҳ ўқитиб, иккинчи хотин қилиб олмоқчи бўлувди-ку!

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу ҳақиқат олдида қиз миқ эта олмай, бошини эгишга мажбур бўлди.

Тақдир эса унга заррача ҳам ачинмай сўзида давом этарди:

- Ана шу фарзандингни ўзинг орзу қилган афсонавий шаҳзодангдай қилиб тарбиялайсан. У катта бўлиб, отаси ҳақида сўраганда, унга отанг шаҳзодадек нуфузли, дунёга танилган спортчидек бақувват ва келишган, олим ва академикдай билимдон, ҳофиздек нозик таъб, дипломатдек катта давлат арбоби, тижоратчилардек бой инсон эди, дейсан. Аммо фожиа юз бериб, мени осмонларда учириб юрганида ҳалокатга учради, деган чўпчакни айтиб берасан...

- Ундай дема, ундай дема! Ёлвораман, мени хўрлама! Бир иложини топ...

- Йўқ. Афсуски, бунинг умуман иложи йўқ! Сени бу кўйга мен эмас, ўзинг солдинг, яъни мана шу тақдирингни сен, ўз қўлинг билан яратдинг. Энди ундан қочиб қутула олмайсан!

**Х.АБДУСАЛОМОВ**

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН



### ЙИҒЛАМА

*Йиғлама, кўнглимни эритмас кўз ёш,*
*Совуқ нигоҳингдан тошга айланган.*
*Йиғлама, кўтариб юрганим бу бош*
*Тақдирга тан берган бошга айланган.*

*Йиғлама, юпатмоқ келмас илкимдан,*
*Қисматни қарғама, кунингга куйма.*
*Не гуноҳ, не хато ўтди бил кимдан*
*Ўшани ёмон кўр, ўшани суйма.*

*Балки у мендирман, сенсан эҳтимол,*
*Намхуш ўйларингни дорга ёй - селдир.*
*Орамиздан эсар тил билмас шамол,*
*Шошилма, ошиқма, вақтга вақт бергил.*

*Тилимда қолгани тўртбурчак сўзлар,*
*Гапирсам кўнглингга етади заҳа.*
*Бағримда бир буюк ишқсизлик бўзлар,*
*Юрак - ўлатдан эл қирилган даҳа.*

*Сени овутмоқчун овунмоғим шарт,*
*Сени англамоқчун даркор англарим.*
*Сен ишқни оқ - қора кўрмоқ истайсан,*
*Лек чаплашиб кетган менинг рангларим.*

* * *

*Мен кимман, қўнимсиз бир қушман ота,*
*Баъзан тунд, баъзида сархушман, ота.*
*Не даъволар билан учиб қўнмадим,*
*Пастдаман, аммо ҳеч паст тушмам, ота.*

*Чўққига тирмашдим, то шудроқ чиқдим,*
*Чиқдим, лек забонсиз, бот мудроқ чиқдим.*
*Учта ўғлингиз бор эртакдагидек -*
*Тўнғичи мен эсам - ношудроқ чиқдим.*

*Бекорман, бекорчи рўз тополмайман,*
*Бўзчиману бироқ бўз тополмайман.*
*Ойда олдингизга бир келаману*
*Саломдан бошқа бир сўз тополмайман.*

*Сиз мудом тўғрисиз, гўё сўл йўқдай,*
*Офтобсиз гўё қор, ёмғир, дўл йўқдай.*
*Элликка эликиб нима кўрдингиз -*
*Мактабу даладан ўзга йўл йўқдай.*

*Ой тинар, кун тинар бу қишлоқ тинмас,*
*Эли эгилади, букилар, синмас.*
*Мен не шоир бўлдим, рост деёлмайман*
*Ота, шеър деганим бир пулга қиммат.*

*Менинг на қарор, қоидам бўлмади,*
*Орзу - олахўржин, қайдам, бўлмади.*
*Экинига тушган товуқни қувган -*
*Болачалик сизга фойдам бўлмади.*

*Ота, ўйга ботдим, бошим хам бўлди,*
*Не дам яшаганим хато дам бўлди.*
*Девдингиз олиммас, одам бўл, ўғлим*
*Ота, мен на олим, на одам бўлдим.*

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Тошкент.**

# НАМОЗ АКА ШУНЧАКИ ЁЗМАЙДИ!

Мактабда ўқиб юрган пайтидан қўлига қалам олган Намоз ака Саъдуллаев кейинчалик журналист сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам шаклланди. Кўп йиллар "Ўзбекистон овози" газетасида ишлади. Ўзбекистон Олий мажлиси депутати сифатида фаолият кўрсатди. Бир неча муддат "Оила ва жамият" газетаси бош муҳаррири ўринбосари бўлди. Айни дамда "Ўзбекистон овози" мухбири.

Намоз ака ижодий меҳнат фаолияти давомида республикамиз халқ хўжалиги тармоқларининг турли жабҳаларидан ёзган муаммоли, публицистик мақолалари билан эл оғизга тушди. Дарҳақиқат Намоз ака шунчаки ёзмайди. Ёзганда ҳам ёниб ёзди, фарзандлик меҳри билан қониб ёзди, чексиз эҳтирос ва ҳаяжон билан ёзди. Турли даврларда энг муҳим ва энг мураккаб муаммоларни кўтариб чиқишдан чўчимади. Унинг бундай истеъдоди, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида бош муҳаррир вазифасида ишлаган кезларида, айниқса, яққол намоён бўлди.

Қаерда ишламасин у ўзининг ўткир қаламi билан чуқур ҳурмат-эътибор қозонди.

**Қутлов!**



"Дилкаш дўстлар даврасида", "Яйловларда менинг хаёлим", "Бир бор экан, пул бор экан", "Истиқбол чечаклари" каби кўплаб публицистик мақолалар ва очерклар ҳамда "Менинг созим, менинг овозим...", шеърий тўпламларининг муаллифи. Унинг кўплаб назмий ва насрий асарлари матбуотда "Замон Али" тахаллуси билан чоп этилмоқда. Ташаббускор, ҳалол, холис, талабчан, қатъий эътиқодли қалам соҳиби. Ойлали, беш нафар фарзандларию уч нафар набиранинг меҳрибон бувожониси.

Кўп йиллик фидокорона меҳнатлари туфайли ўзи ҳам, турмуш ўртоғи - таниқли журналист Раъно Зарипова ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлишган. Уларнинг изидан қизлари Ойдин ва келини Ҳилолахонлар боришмоқда.

Бугун табаррук 60 ёшни қаршилаётган серқирра журналист Намоз ака Саъдуллаевни қутлуғ айёмлари билан муборакбод этамиз.



*Топганим-йўқотганим,*
*Билиб қилган гуноҳим.*
*Йиғлатиб юпатганим,*
*Омон бўлинг, илойим.*

*Сиз кўнгил бозорига,*
*Кирган битта йўловчи.*
*Бир булбули зорига,*
*Ўқ отган ўша овчи.*

*Сиз-ойга, мен-қуёшга,*
*Қараб кетдик-тун бўлди.*
*Айланди битта тошга*
*Кўнгилга қийин бўлди.*

*Сизни қувиб дилимдан,*
*Сўзсиз қиламан нидо.*
*Бехос чиқар тилимдан,*
*Алвидо... Алвидо...*



### ЎЗИНГНИКИЛАР

*Бировлар тош отса, майли отсинлар,*
*Сочин сиртмоқ этиб, осса-оссинлар.*
*Бировлар номингни сотса-сотсинлар,*
*Лойга отмасинлар, ўзингникилар.*

*Бегона ўт ёқса, куймай ёнасан,*
*Бегона гап қотса игво биласан.*
*Тиғ урса-да, ортдан кўрмай ўласан,*
*Тошлар отмасинлар, ўзингникилар.*

*Пул тилаб йиғласанг, кафтга*
*тупурса,*
*Дард айтиб йиғласанг гуноҳ буюрса.*
*Сорнинг инига-да, калхат югурса,*
*Қарсак урмасинлар - ўзингникилар.*

*Бир муштдек юракни юз ғами бордир,*
*Ҳар неки инсоннинг бир ками бордир.*
*Суянмоққа қодир бир марди бордир,*
*Кафан тикмасинлар, ўзингникилар.*

*Яхшиям қалам бор, дардинг олади,*
*Юракда алам бор, доғи қолади.*
*Яхши бўл, яхшидан боғи қолади,*
*Ҳасад этмасинлар, ўзингникилар.*

**Мунаввар ТОШПЎЛАТОВА,**
**Андижон.**

### ҚИЗГИНАМ КЕЛИНДИР МАНОВ ҚИШЛОҚДА

*Бир овул ёнидан ўтаётиб чол,*
*Қиблага тескари туриб бемалол.*
*Белбоғин ёйди-да ўтлоқ устига,*
*Намозин ўқиди гоҳ алиф, гоҳ дол.*

*Кузатиб турувди уни узоқда,*
*Шумликда пихини ёрган бир "сўхта".*
*Наздида оми чол тушди тузоққа:*
*- Отахон, - деди у, -қибла бу ёқда.*

*Ота ҳам жавобни қилди "мазали":*
*- Биродар, мен учун қибла шу ёқда...*
*Қудалик бўлганда биласан ҳали,*
*Қизгинам келиндир манов қишлоқда...*

**Намоз САЪДУЛЛАЕВ**

### ТЎРТЛИКЛАР

*Ариқ ёқаси ўзра бир парча ерга,*
*Икки қўшни талашиб тушдилар терга.*
*Бири -"меники" дер, бири -"йўқ, меники..."*
*Ер деди: "Меникисан икковинг бирга!"*

* * *

*Кундузи "илло мусулмонман" - дея неча,*
*Мачитнинг ғазнасини урди у ҳар кеча.*
*Бир чақмоқ чаққанди ғазна ёнида,*
*Оллоҳ ўзи урди калом айтгунча.*

* * *

*У кўзмунчоқ тақди, кўзикмай, дея,*
*Билагига, қулоғига, бўйнига.*
*О, қанийди, она юрт - Ватанни ҳам,*
*Кўзмунчоқдай асрай олса эди-я!*

# ЎЛИМ ҲАММАГА БИР

Жон танни тарк этиб, ҳозиргина нафас олиб турган вужуд бирдан майитга айланди. Уни тобутда қабристонга олиб бордилар ва гўри оғзини икки дона гувала билан беркитиб дафн этишди.

- Майит ким эдилар? - сўради кимдир.

- Амиру уламолардан эди, - жавоб беришди.

Орадан йиллар, асрлар ўтди. Тузумлар ўзгариб, не-не амирлар, хонлар, беклар, султонлар келиб кетди. Бояги амирнинг қабри ҳамманинг эсидан чиқди. Мозори эскириб, чўкиб, текис ерга қўшилиб кетди. Қабристон эса неча бор тўлиб, неча бор янгиланди. Ҳеч ким бу ерда илгари амир қабри бўлганлигини билмасди.

...Мозорга янги майит олиб келишди. Гўр оғзини гувала билан бекитиш учун гўрков қабр ёнида тупроқ ковлаб, лой қила бошлади. Шунда Оллоҳнинг қудрати билан ер тилга кирди:

*Қораётган лойнинг тупроғи -*
*Етар энди, нақ хамир бўлди.*
*Гўр оғзига қўйган гувалангг,*
*Олдин ўтган хоки амир бўлди...*

**Одамлар ва удумлар**

# КЕЛИН ЎҒИРЛАШ

Индонезиянинг Бали оролида келин ўғирлаш удуми бор. Кўпинча янгалар тўй куни келинни яшириб қўядилар. Куёв келинни олиб кетишга келганида, унга келинни кўрсатмайдилар ва суюнчи беришни талаб қиладилар.

Куёв албатта дарров чиқишга рози бўлмайди. Унинг ўзи келинни дараклаб қидиришга тушади. Гарчи у келинни топишга ишончи бўлмаса ҳам, муҳаббатини намоён этиш учун анча-мунча "айғоқчи"ларини ишга солиб кўради. Топа олмагач, охири янгаларнинг шартига рози бўлади. Куёвнинг жўралари янгалар билан тортишиб, охири бир тўхтамга келишади.

Келин учун тўланадиган товон пули унчалик кўп эмас, лекин келин ўғирлаш удуми ҳам тўйнинг шаънига мос тушиб, баҳонада куёвнинг зиқна ёки сахийлиги синаб олинади.

# МЕҲМОН УЧУН ТАНСИҚ ТАОМ

Японияда денгиз саккизоёқлари гўштидан тайёрланган овқатлар тансиқ таом ҳисобланади. Кўпинча бундай таом меҳмонлар учун пиширилиб, пазандалар ўз маҳоратларини намоён қилишга интиладилар.

Бу мамлакатдаги удумга кўра, саккизоёқлардан тайёрланган таомлар одамни руҳий жиҳатдан бардам қиларкан. Бундай таомларни қирқдан зиёд тури бўлиб, уларни тайёрлаш бўйича энг яхши пазандалар танлови ўтказиб турилади.

Японияликларнинг яна бир машҳур таоми денгиз илонларидан тайёрланган димламадир. Бундай димлама азиз меҳмонларга атаб пиширилади. Илон димламаси одамни гўзал ва ақлли қилиш хусусиятига эга, деб ҳисобланади.

# КЕМШИКЛАР УЙЛАНА ОЛМАЙДИ

Нигерияда инсон тишларининг мустаҳкамлиги бахт ва омаддан дарак беради, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, тишлари мустаҳкам кишилар узоқ умр кўришар ва ғайрат-шижоатда ҳам беназир бўлишар экан.

Шу боисдан турмушга чиқмоқчи бўлган қизлар бўлғуси умр йўлдошини ўзлари танлашар экан. Бу мамлакатдаги удумга кўра, балоғат ёшидаги йигитлар ҳар йили 12 август куни саҳронинг чеккасидаги очиқ майдонга чиқишиб, қатор туришиб тотамига ўйинга тушадилар. Улар рақс чоғида албатта оғзиларини кенг очиб, тишларининг бутунлигини ва оппоқлигини намойиш қиладилар.

Ўйин роса қизиган паллада бу ерга қатор бўлишиб, қизлар етиб келишади ва улар ўзларига муҳаббат изҳор қилган йигит қаршисида тўхтаб, унинг жисмоний соғлом эканлигини кузатадилар. Агар қизга йигит ёққан бўлса, унинг қаршисида ўйнай бошлайди. Бу уларнинг розилик аломатидир. Агар йигит кемшик бўлса, қизлар унга турмушга чиқишга камдан-кам розилик берадилар.

Шу боис бу мамлакатда болаларни ёшликдан тишини мустаҳкам бўлиши чорасини кўрадилар. Тишнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида кокс дарахтининг баргини чайнаш кенг урф бўлган.

**К.НИШОНОВ.**

 № 1 (688) 6 январ — 12 январ 2005 йил 

# Ғаройиб васият

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Молларининг аламидан бошини олиб чиқиб кетган Акадўст бир ҳафтадан бери шаҳардаги ўйнашиникида экан. Худди шу бугун, айни шу фожеали фалокат устига келиб қолибди. Ўзи келмабди. Машинасини бир таниши ҳайдаб олиб келибди. Машинанинг орқа ўриндиғида узала тушиб, сулайиб ётиб келган шўрликни суяб туширишди. Машина ҳайдаб келган кишининг изоҳлашича, бир ҳафта давомида ўйнашиникида ётиб, бир ўзи ўттиз учта ароқни ичиб тугатганмиш. Бир кун олдин қандайдир дардга чалинганмиш. Икки қўли чалажон бўлиб, яхши ҳаракатланмай қолибди. Юрагиям тўхтаб-тўхтаб ураётганмиш. Дўхтирга кўрсаттирмабди. Уйга етказишларини сўрабди. Уйни кўриб эса, танасидан совуқ тер чиқиб кетди, инграб юборди. Кўзи тиниб, боши айланди, бир қалқиб, машинага суяниб қолди. Кейин сирғалиб ерга қулади.

Уйларнинг фақатгина қорайиб кетган деворларигина қолганди. Ичкарилари ҳамон буриқсиб тутаб ётар, гоҳо аллақаердан чақмоқ чаққандай чирсиллаб кўринган олов шуъласи бир зум миллиллаб ёниб, сўнг чўғга айланар ва ниҳоят, сўниб ўчарди. Аччиқ тутун ҳиди димоқни ёргудек даражада анқиб турарди. Хоналар, дарвозахона, болахона, ҳамма-ҳаммасининг кули аллақачон кўкка соврилиб бўлганди. Омон қолган жой ўйдан сал нарироқдан алоҳида қурилган омборхона билан сомонхона ҳамда мол ҳовли-ю у тарафдаги дўкон эди, холос. Акадўстнинг яқинлари апилтапил ҳаракат қилишиб, наридан-бери сомонхонага жой қилишди. Бу ерга сал яқинроқ бўлган ўгай бўласиникидан келтирилиб, ерга тўшалган эски шолча устига солинган йиртиқ, ямоқ кўрпачага уни ётқизишди. Одамлар бу ҳолнинг содир бўлишига уйнинг эски мачит ёнидан қурилганини, Акадўстнинг феъли ёмонлигини, қилмиш-қидирмишлигини ва яна алланима балоларни сабаб деб, ўзаро мулоҳаза юритишиб турган чоғларида бу ерга етиб келган қишлоқ дўхтири аввал омборхона пойгасида жун тўла қопга курагини тираб хириллаб ётган Акадўстнинг хотинини кўздан кечиргач, битта укол қилди-да, кейин сомонхонага ўтди. Акадўст бир тўлғониб, кўзини очди. Атрофидагилар бир сесканиб тушишди. Чунки, Акадўстнинг кўзлари ҳам қийшайиб, ҳам олайиб, аҳрайиб, тепага битиб қолган эди. Жуда қўрқинчли кўринарди. У тескари бўлиб қолган ақий кўзлари билан атрофни қараб чиққач, бош томонида турган укасини имлади. Ука ўгайсираб, истамайроқ яқинроқ сурилди ва лоқайд энгашиб, савол назари билан ақий кўзларга, аянчли, заъфарон юзларга нигоҳ ташлади.

- Бошқаларни ташқарига чиқариб, ўзинг қол, гапим бор.

Бошқалар чиқишди. Ука унинг бош томонига чўк тушиб ўтирди.

- Ўтган кеча отам билан гаплашдим.

Ўлган отаси ҳақида гапираётган аканинг бу гапидан ука бир сесканиб, беихтиёр ён-атрофига қараб олди.

- Мен энди тамом. Бир одамни менсимасдан, суханини синдириб, ранжитгандим. Назаркарда одамлигини билмаган эканман, мени шу одамнинг дуобади уриб, ер билан яксон қилди. Аттанг, бекор қилган эканман. Дили қаттиқ ранжиган экан, урмади, сўкмади, гапирмади, ўпка-гина қилмади, бира тўла хонавайрон қилди.

Ука сал орқароққа силжиди.

- Сенга бир гап айтаман.

Ука қулоқларини динг қилди.

- Бу гапни бошқага айтиб бўлмайди, фақат сенга ишонаман. Ўғлимга айтганим бефойда, у бажаролмайди, эплаб, уддалашига ишонолмайман.

Ука эътиборлироқ ҳолатга кириб, вужуди қулоққа айланди.

- Ҳеч кимга сездирмасдан бажаргин бу ишни. Шундай қилишимни отамиз тушимда қаттиқ тайинлади. Қилмасликнинг иложи йўқ, арвоҳнинг амри бу. Эҳтимол, бирон синоатми, мўъжизами юз берар, эҳтимол, қайта тириларман...

Ука ранжигандек бўлди, норози қиёфага кириб, эшик томонга қараб олди. Қайта тирилишини истамаётганлигини сездириб қўймаслик учун шифтга тикилди.

- Қисматим ёмон экан. Ҳаётим аянчли, шармандали, ёмон хотима топяпти. Жонимдан аввал молимни, уй-жойимни, молдунё, бор-будимни сидириб олди. Менинг ҳали режаларим катта эди. Асалариям боқмоқчи эдим. Йиққанимнинг ҳеч бири насиб қилмади. Шундай данғиллама уй-жой буюрмай, ўлигим сомонхонадан чиқадиган бўлди-я. Хотиним ҳам энди шу ердан чиқса керак. Уям, аввал ўлмасаям, энди ўлади, бу фожеаларни кўтаролмайди. Шунча қилганларим бир пул бўлди, болаларим кўчада беватан қолишди. Буюрмаса, вафо қилмаса, бекор экан, афсус.



Ўтники-ўтга, сувники - сувга, дегандай бўлди-да. Айтганимдай, қарғишгами, тавқилаъннатгами учрадимда. Куёвдан ҳам худо солмаганди, баҳона қидириб, чорасиз юрувди, энди уям қизимни ҳайдаб юборади. Қачондир ташлаб кетишини билганим учун қизимга ёнимдан бирон ҳужра қуриб қўймоқчийдим, қунт қилолмадим. Бу касофатлар бўлмай, ҳужрани қуриб қўйганимда қўрқмасдим, ажралишиб кетсаям, ёнимга келиб, болалари билан яшайверарди. Қизимнинг бахтсиз бўлишигаям ўзим сабабчиман. Отасининг бойлигига учиб, зўрлаб шу ҳаромига бердим. Кейин адашганимни, катта хато қилганимни билиб, кўр кўзимнинг кеч очилганидан надомат чекдим, шу кайфиятда юриб, куёвниям кўп асабига тегдим, ранжитдим. Хуллас, худо мени биратўла қўш қўллаб урди.

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ



- Кўпнинг норизо назари ёмон-да, ҳаммасига феълингиз сабаб бўлди. Эл қатори юрмадингиз, айтганни олмадингиз, одамлардан ажралиб, элдан, халқдан узоқлашиб қолдингиз, кўпни менсимаслик ёмонда.

- Бўларича бўлди. Энди гап бундай. Гўр қазишга Аҳмат ўтинчи, Жалойир, нариги катта куёв, опангнинг эрини айтаяпман, шу уччовини юборгин. Ҳаммасини ўзинг бошқариб тур. Гўрни икки киши бемалол сиғадиган даражада катта қилиб қазишсин, ўтинчига секин айт, биров билмасин, эшитмасин ҳам.

Уканинг вужудини титроқ босди.

- Омбор томнинг эшикдан киришда чап бурчагида девор орасида ковак бор, ковак оғзи лой билан сувалган. Ичида оғзи бурама бир литрлик шишада тўла тилло турибди. Шу шишани олиб, бир нарсага ўрагин-да, мени ювишга олишдан олдинроқ ўзинг ҳеч кимга сездирмасдан қабристонга олиб боргин. Жалойир билан куёвни ишни тугатиши билан бир баҳона ишлатиб жўнатиб юборгин-да, тиллони қабр ичига киритиб қўйгин. Сўнг ўтинчини менинг ёнимда қабрда бир кеча ётишга кўндиргин.

Ука ўрнидан туриб кетди. Нимадир гапирмоқчи бўлди-ю, лекин тили айланмади. Ҳозиргина қимирлаб турган тил зумда танглайига қўшилиб чиппа қотиб қолибди. Ютина-ютина тилини салгина намлаб, танглайидан ажратиб олгач, қийнала-қийнала алланималар деб ғудранди. Афсуски, гапига ўзи ҳам, васият қилувчи ҳам тушунмади. Тилдан қолди. Бақрайганича васиятчига тикилиб тураверди.

- Ўтинчи телба, бунинг устига аҳволиям ночор. Пул ваъда қилсанг, гўрга кириш ҳам гапми, ерга кириб кетишгаям кўнади. Амакинг шундай васият қилди, бир кечагина ётасан, азонда ўзимиз келиб, сени қазиб чиқариб оламиз, агар жуда қўрқадиган бўлсанг, кечаси икки-учтамиз келиб, қабр ёнида ётамиз, деб айтгин. Ўтинчини кўндирганингдан кейин айтгин, қабрга кириб, бир бурчагида бекиниб ётсин, тобутни олиб борганлар пайқашмасин. Мени қабрга ўзинг қўйгин, бошқани киритмаям, туйнукка яқин йўлатмаям, ўтинчини сезиб қолишмасин. Эртасига эрталаб гўрни очиб, ўтинчини чиқариб олинглар. Тиллонинг ярмисиниям беринглар. Бу ишни бировга билдирмасдан, тонг ғира-ширасида амалга оширинглар.

- Ярмисини-чи? - тилга кириб, гапириб юборди ука.

Савол жавобсиз қолди. Акадўстнинг жони узилган эди

... Тонг ғира-ширасида қабр устидаги тупроқ бир четга тортилиб, ичкаридаги туйнук очилган заҳоти ўтинчи эмаклаган ҳолда чиқиб келди.

- Хўш, уста, қўрқмадингизми? - сўрашди гўр очувчилар.

- Қўрққаним-ку йўқ-да, жуда нафасим қисилиб кетди, - бамайлихотир жавоб берди ўтинчи пешонаси-ю юз-кўзларини енги билан артатуриб. - Тириклай гўрда ётиш жуда азоб бўларкан.

- Қани гапиринг-чи, қандай сир-синоатлар юз беради?

- Мункарнакир дегани келди.

- Хўш, кейин-чи?

- Ўлик у ёқда қолиб, фақат мени сўроқ қилди-да.

- Нима деб сўроқ қилди?

- Манови белимдаги бир қулоч арқонни кеча йўл устидан топиб олгандим. Шуни, сенга ҳаром, ўзганинг нарсасини эгасини рози қилмай олгансан, кимники, деб сўрамагансан, бировга билдирмагансан, айтмагансан, ўғирлик-ҳаром, ўзганинг нарсаси билан нега буерга келдинг, боз устига, нопок йўллар билан топилган ҳаром тилланиям яшириб ётибсан, эгасига буюрмаган нопок молнинг сенгаям вафо қилмаслигини билмасмидинг, ёнингда ётган кимсанинг кимлигини, тилло билан сени нега ўзига қўшиб кўмдирганининг сабаби, сирини биласанми ўзи? У худонинг ғазабига, бандаларнинг қарғишига, яқинлари, хотин, бола-чақаларининг нафратига дучор бўлган, гарданида кўпнинг ҳақи, қарзи, гуноҳи бўлган худобезори, сутхўр. Сен бўлсанг, унга шерик бўлиб ётибсан, демак, сен у тарафда, у тоифадаги банда экансан, вақти келиб қилмишларингга ҳали тўлиқ жавоб берасан. Қолаверса, бугун бу ерга таҳоратсиз келганинг учун ҳам зиммангга гуноҳ юкланади. Бу ярамас нопокни бўлса, эртага дўзахга олиб кетамиз, дўзах оташида ёниб, жизғанак бўлишини кўрмоқчи бўлсанг, бирга юр, деб роса жонимни кадига қамади-я, бу Мункарнакир деган балойи азим. Ҳозиргача тепамдан кетмади. Тавба, ўғрининг каттаси шундайгина ёнида ётибди-ю уни сўроқ қилиш ўрнига, бор-йўғи бир қулоч арқон учун менинг сиқиб сувимни ичди-я. Кошки ўғирлик бўлса, топиб олганим рост-ку шу лаънати бир қулоч чириган арқонни. Акадўстдан тириклигидаям кўп азият чеккандим, ўлигидаям азобига шерик бўлдим-а, кафосатнинг.

- Акадўст индамай ётибдими?

- Мункарнакир, ёқамиз, деганида бир тўлғониб, яна жимиб қолди.

- Акадўст нега ўзи билан бирга сизни, тиллони қўшиб кўмишни тайинлаганини фаҳмламадингизми?

- Фаҳмладим. У муғомбир одам эди, буни ўзларинг ҳам биласизлар. Ўлган одам қайта тирилиб қолишиям мумкинлигини у кўп эшитган ва ўзининг қайта тирилиб қолишиям мумкинлигидан умидвор ҳам бўлган. Шундай мўъжиза юз берса, ўзининг қўрқмаслиги, гўрни очиб чиқишда кўмаги тегиши учун шундай қилдирган. Тиллони бўлса, сенларнинг бўлишиб қўйишларингдан қўрқиб, қўшиб кўмдирган. Ёки бўлмаса, тирилмасаям, мункарнакир тилла учун буни сўроқ қилади, ўзим сўроқдан қутилиб қоламан, деб ўйлаган.

- Биз тиллоси борлигиниям, жойиниям билмасдик.

- У, билади, деб гумон қилган бўлиши мумкин-да.

- Тиллони олиб чиқдингизми?

- Тиллони бошимга урамanми! - қўл силтади ўтинчи. - Бир қулоч чириган арқон учун бир кеча сўроқ қилди-ку. Агар тиллони оладиган бўлсам, билмадим, нима балоларга гирифтор қиларди бу Мункарнакир, Акадўстга қўшиб ёқармиди. Менга энди тиллоям, пул ҳам, бировнинг ҳақиям, нарсасиям, умуман, ҳеч нарса, манови бир қулоч чирик арқон ҳам керак эмас. Ҳаромдан ҳазар қиламан. Тартибқоидани бир кечада яхши ўрганиб, сабоқни созлаб олдим. Бойликка ҳирс қўйганлар, бойваччалар, ўғри, қаллоб, ҳаромхўр, сутхўр, порахўр, таъмагир, очкўз кимсаларга ҳам айтиш керак, биронта ўлик билан бир кечагина гўрда бирга ётиб чиқишсин, кейин билишади, қандай яшаш ва нима қилиш кераклигини.

- Тилло нима бўлади энди?

- Тиллоси бошидан ордона қолсин. Ана, кимга тилло керак бўлса, қабрга кириб олиб чиқаверсин. Шу Акадўст бўладиган бўлса, тиллониям бериб бўпти, кирганнинг ёқасидан бўғиб, қўлига ёпишмаса, мен яна бир кеча ётаман шу гўрда. Шу тиллога алағда бўлганидан дурустроқ ўлолмай ҳам ётибди. Бўпти, мен кетдим.

Ўтинчининг гапларидан ўтакалари ёрилиб, гўрнинг оғзидан қарашгаям юраклари дов бермай қолганлар илтижоли оҳангда дейишди:

- Тўхтанг уста, илтимос, қабр устига тупроқни тортишга ёрдамлашиб юборинг, кейин бирга кетамиз.

- Қазиб берганим етар, энди кўмиб ҳам берайми. Истасанглар кўминглар, истамасанглар очиқ қолдиринглар. Бугун барибир уни ёқишга олиб кетишади-ку, кўмишга нима ҳожат бор.

- Шундай бўлсаям, кўмиш керак-да. бу тилло деган савилнинг асли жойи ер ости экан-да, буникиям қабрда қолди-я. Бир ҳисобга шунисиям маъқул бўлди, орамизга нифоқ тушмайди энди. Ўзаро бўлишамиз деб, низо чиқариб қўйишимиз ҳам мумкин эди, тўғрими?

**Муаллифдан:** *Бу воқеани менга Самарқанд йўлида Облоберди бува деган бир чол гурунг тариқасида ҳикоя қилиб берганди. Кўп ўтиб, бир билувчи киши билан тасодифан ҳамроҳ бўлиб эшитдим, қария юз ёшида оламдан ўтибди. Кейин билсам, Акадўстнинг асли исми Ҳошим бўлиб, Акадўст унинг лақаби экан. Бу лақабни унга ким, қачон, нега қўйганини аниқлашга имкон бўлмади. Чолдан ҳам, кейинги чолни танувчи кишидан ҳам Шамолсой қишлоғининг қаердалигини сўрамагандим. Бу бўлган воқеами ёки афсонами, бунинг ҳам охирига етиш иложсиз эди. Чол, бўлган воқеа, деб ишонтирганди. Эҳтимол, бўлган воқеадир, эҳтимол қисман бўлган воқеадир. Балким, қадимдами, яқин ўтмишдами, узоқ йилларда ёки яқинроқда қаердадир шундай воқеа бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, мен уни "Афсона" деб аташни жоиз топдим. Шу афсоналигида ҳам ҳақиқатга жуда яқиндек туюларди. Бу фоний дунёда Акадўстга ўхшаш кимсалар ҳам борлиги чин ҳақиқат-ку, фақат ўтинчи билан тиллоларни қабрига ўзига қўшиб кўмдиргани ғалати туюлишини истисно қилганда, албатта.*

**Нормамат ТОҒА.**

# ДУНЁГА ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС БИЛАН БОҚИНГ

*Мен ҳам, дугонам ҳам турмушга чиқмаганмиз, ёлғизмиз. Иккаламиз ҳам битта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаймиз. Аммо умр оқар сув экан. Йил ўтган сайин мени қўрқув чулғаяпти. Онамни ҳам худойим боғлаб бермаган-ку! У кишидан кейин ёлғиз қандай яшайман?! Дугонам-ку турмушга чиқишни хаёлига ҳам келтирмайди: "Яхши кўрмаган одаминг билан яшагандан кўра тоқ ўтган маъқул", - дейди. Аммо ёлғизликни енгиб бўлармикан?*

**Малика,**
**Тошкент.**



**РУҲИЯТ СИРЛАРИ**

Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, ёлғизликдан қўрқиш асосан болалигидан бировга (ота-она, қариндош, ўқитувчисига) суяниб улғайган аёлларда кучли бўлади. Улар мустақил бир ишнинг уддасидан чиқишолмайди. Бундай феъл-атвордаги хотин-қизлар тезроқ турмуш қуриш, ота-она қўлтиғидан чиқиб, эр - боқувчи ихтиёрига ўтишга ошиқадилар. Аммо ҳамиша ҳам бандасининг айтгани бўлавермайди. Эркаклар ҳам фикрлари бекарор, эпсиз хотин-қизлардан ўзларини йироқ тутадилар. Уларга (қайси ёшда бўлишидан қатъий назар) гап-сўзлари мафтункор, ҳаётга ошиқ, мулоҳазакор ва бўлар-бўлмас жойдан "ишкал" чиқаравермайдиган аёллар ёқади.

Хуллас, ҳар қандай вазиятда ҳам (Бу ҳаёт-да!) ўз-ўзини бошқаришни, бахтга эгалик қилишни ва ниҳоят мустақил бўлишни ўрганишимиз керак!

● Ҳаётга муносабатингизни қайта кўриб чиқинг ва ўз орзу-ўйларингиздан лаззатланишни ўрганинг.

Атрофдагиларнинг фикрига эмас, аввало ўз ички "Мен"ингизга қулоқ солинг, хулоса чиқаринг, "биров"га муҳтож бўлмаслик ҳиссини шуурингизга сингдиринг.

Кийим танлашда эса бировларнинг маслаҳатисиз, ўз дидингиздан келиб чиқинг. Аввaламбор, уй ва иш жиҳозларингизнинг шаклини, рангини ҳисобга олинг. Кийинишингиз ҳам феълингизга мутаносиб бўлсин. Шкафдаги кийимларингиз ёқмаса, бошқасини сотиб олиш имконини қидиринг. Ҳар галги маошингиздан кичкина, арзон бўлса-да, ўзингизга ёқадиган бирор нарса сотиб олинг. Фақат ва фақат "Истайман!" ёки "Истамайман!" - деган ички овозга қулоқ солган ҳолда иш кўринг.

● Ўзингизга ёқмаган маслаҳат ва таклифларга "йўқ" деб жавоб беришга ҳаракат қилинг. Кўнглингиз чопмаган муросасозликка борманг. Омад ва хатоингизни ҳам "ўзингизники"лигини тан олинг. Шу билан бирга ўз фикрингизда қатъий туришга, кўнглингиздагидай иш тутишга одатланинг. Ана ўшандагина бировларнинг ўйламай айтган гапини баъзан инобатга олганингизни, беҳуда эзилганингизни эслаб, пушаймон қиласиз. Сиз энди холис ва нохолис фикрни фарқлай бошлайсиз.

● Ўз хатоларингизни ва уни қандай тўғрилаганингизни бир дафтарга ёзиб қўйинг. Уларни тез-тез ўқиб, камчиликларингизни йўқотишга интилинг!

-Одамларни сиздан йироқлаштирувчи феъл-атворингизни жиловлай билишга ҳаракат қилинг. Ўзгаларда аслингиздан кўра қатъий ва мустақил инсон сифатида таассурот қолдиринг. Омадли аёл бўлиб кўринишга интилинг ва ўзингизни ҳам бунга ишонтиринг. Билингки, бироз вақт ўтиб, Ишонч ичингиздаги мустаҳкам устунларнинг бирига айланади!

Атрофингиздагилардан эътибор кутманг, қалбингиз буюрганини бажарганингиздан мамнун бўлинг.

● Оқ қоғозга феълингиздаги, хулқингиздаги энг яхши фазилатларингизни, қиёфангиздаги гўзал жиҳатлар ва уддабуронлик хусусиятларингизни ёзиб чиқинг. Шу билан бирга фахрланишга арзигулик олийжаноб амалларингиз ҳақида ҳам қайд этиб қўйинг. Эрта саҳар уйқудан уйғонгач, энг аввал ўша қоғозга кўз ташланг, "яхшиликлар" рўйхатини яна кенгайтиринг ва ўз фазилатларингиздан қувонинг.

● Ҳар тун ётиш олдидан кундалигингизни эзгу ниятларингизни, бажарган ишларингизни гўзал сўзлар билан ифодаланг. Сўнг: ўзингизга қарата бир неча бор: "Сен ақлли одамнинг ишини қилдинг. Дўстингнинг хожатини чиқардинг. Фаросатинг панд бермади. Энг ёмон вазиятдан ҳам дугонангни олиб чиқиб кетганинг учун хурсанд бўлсанг арзийди!" - дея такрорланг. Ва бунинг учун Оллоҳга ҳамду сано айтинг.

Тушунинг, бахтли бўлиш учун сизда ҳамма нарса етарли.

● Ёлғиз қолганингизда: ёқимли мусиқа эшитиш, гул териш, қизиқарли китоб ўқиш, ўзингиз ёқтирган таомни тайёрлаш, боғда меҳнат қилиш, расм чизиш, кроссворд ечиш, концертга, кўргазмага бориш ёки дўкон айланиш - қайси биридан кўнглингиз ҳузурланишини эсланг.

● Ёлғизлигингизни эслатувчи вазиятдан чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Бугунингизни ва эртанги кунингизни шундай режалаштирингки, бирор лаҳзангиз ҳам бўш қолмасин. Муҳими, ҳар бир кун кўнглингизни ва умрингизни ёруғликка тўлдирсин. Дунёга ҳайрат ва ҳавас билан боқишга, борлиқдан яшиллик ва гўзаллик ахтариб топишга ҳаракат қилинг.

Ҳазрати Румий айтганларидек:

*"Иллат излаганга*
*иллатдир дунё,*
*Ғурбат излаганга*
*ғурбатдир дунё.*
*Ким нени истаса, топгай*
*бегумон,*
*Ҳикмат излаганга*
*ҳикматдир дунё"...*

# БОЛА РАШКИ НАФРАТГА АЙЛАНМАСИН



**Катта ва кичик**

Оилангиз яна бир кишига кўпайиш арафасида... Ўнта бўлса, ўрни бошқа, дейишади. Лекин, "янги меҳмон"нинг дунёга келиши, катта фарзандингизнинг рашкини қўзғатиши табиий.

Собиқ "асалтой"нинг ўрнини ўзга эгаллаши, "ойижон"нинг бутун кунини, хаёлини "ўша" банд этаётгани "исён"га сабаб бўлади. Шунинг учун энг аввало катта болангизни "чақалоққа" дўст қилиш - чақалоқ фақат "ака" ёки "опача"сини яхши кўришини унинг онгига сингдириш лозим бўлади. Бу нарсани бир лаҳза ҳам хотирингиздан фаромуш қилманг.

**Катта фарзандингизнинг ёрдамига таянинг**

● Бола туғилишидан олдинроқ катта фарзандингиз билан "машғулот" бошласангиз, айни муддао. Беозор, жажжитой ойижон ва дадажоннинг, "акача" ёки "опача"нинг ёрдамига муҳтожлигини "рашкчи"га ётиғи билан тушунтиринг. Унга ҳам турли "топшириқлар" юкланг. Бу машқларни қўғирчоқлар ёрдамида кўрсатинг. Уни қўғирчоқ ётган беланчакни тебратиш, унга шишачадан сут ичириш, шилдироқларни чалиб, тинчлантириш сингари машғулотларга одатлантиринг. "Ёрдамчингиз"ни рағбатлантириш ҳам ёдингиздан чиқмасин.

"Ака" ёки "опача"нинг "катта бўлиб қолгани"ни, "ақлли ва ҳамма нарсани тушунадиган бола" эканлигини тез-тез таъкидланг. Чақалоқча ҳам эрта-индин катта бўлса, унга яқин дўст ва ёрдамчи бўлиши ҳақида завқ билан гапиринг. "Акача" эса укачасига зўр ҳимоячилигини айтишни ҳам унутманг. Шунинг учун ҳам Сиз уни яхши кўришингизни изҳор қилинг.

● Фарзандингиз туғилажак кичкинтой туфайли уйга шодлик кириб келишини, "ойижониси Уни янада яхши кўришини" ҳис қилсин. "Кўпчилик бўлиб яшаш мазза"лиги ҳақида ширин тасаввур уйғонсин.

● "Катта бола" укасининг "зўр бўлиши"га масъул эканлигини укдиринг. Чақалоққа кийим ва ўйинчоқ танлашда ундан "ёрдам" сўранг. Бу ишларни у ҳаммадан ҳам "қойиллатишига" урғу беринг. Укачага қиладиган совғаси бор-йўқлиги ҳақида қизиқинг. Бу Уни ҳаракатга солиб қўйишини томоша қиласиз...

● Чақалоқ дунёга келганда эса аввало катта фарзандингиз билан фикрлашинг. Укачанинг "Унга ўхшаш томонларини" бўрттириб кўрсатинг. Жажжитойдаги ёқимли қилиқлар Ундан ўтганига ишора қилинг. Келажакда Акача ёки Опачадай "ақлли ва чиройли бўлиши"ни айтишни канда қилманг.

Унутманг, болаларингизнинг аҳил ва бир-бирига суяниб улғайиши Сизнинг сабрингизга, фаросатингизга боғлиқ.

**Фарзандларингиз ёшидаги фарқнинг таъсири**

Болаларингиз ёши ўртасида 4-5 йил фарқ вақтинча аҳамиятсиз бўлиши мумкин. Аммо "оқ-қора"ни таний бошлашгач, улар орасида ҳақиқий "рашк" юзага чиқади. Уларнинг кўнглини синдирмасдан, тўғри тарбиялаш учун баъзи қоидаларга риоя қилишингизга тўғри келади.

● Ҳаётий икир-чикирлар сизни қанчалик қийнамасин, бу болаларга қиладиган муносабатингизда сезилмаслиги керак. Уларга доим бирдай муомала қилинг. Болаларингизни яхши кўришингизни тез-тез ўзларига айтиб туринг.

● Фарзандингизнинг бирини иккинчиси олдида койиманг. Улар орасидаги ноҳақликни сезсангиз, икковига ҳам танбеҳ беринг. Ёки алоҳида гаплашинг. Иккаласига ҳам хатосини айтиб туриб, яхши хислатлари ҳақида ҳам гапиришни унутманг.

Камчиликларини тузатиш мумкинлигига ишонтиринг ва илҳомлантиринг.

● Агар фарзандларингизнинг биттасида ноёб иқтидорни сезсангиз, иккинчисидаги мудроқ истеъдодни уйғотишга ҳаракат қилинг. Ака ёки уканинг ўксиб қолишига имкон қолдирманг.

Болаларингизда бир-бирини қўллаш, ўзи билганини қондошига ўргатиш ҳиссини тарбияланг.

Гоҳо ота-оналар фарзандларини олиштириб, югуртириб - «зўри»ни аниқламоқчи бўлишади. Бу билан улар ўртасида бир-бирига нисбатан "рақиблик" қутқусини оловлантиришганини сезишмайди. Ҳолбуки, бир фарзандингизнинг ютуғини мақтаётганингизда, иккинчисининг бошқа соҳада муваффақият қозонаётганини таъкидлаб қўйинг.

Хуллас, фарзандингизда энг аввало руҳий БУТУНЛИКНИ шакллантиринг. Ўшандагина ЮТУҚ Сиз томонда бўлади, фарзандларингизнинг эса пешонаси ярақлайди, иншооллоҳ.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА,**
**Руҳшунослик фанлари тадқиқотчиси.**

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 038. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16545
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
2 3 4 5 6